Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

2 (897) сон
8–14 январь 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat.uz

# ОЛИМ УМРИНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчилар, адабиётшуносларимизнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантиришга, навқирон авлодни эзгу ғоялар асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек адабиётида миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар кўп. Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов ана шундай сўз санъаткорларидан эди. Олим ўзининг адабий тадқиқотлари, публицистик мақолалари, таъбир жоиз бўлса, маънавий жасорати билан халқимиз қалбидан жой олди.

Юртимиз мустақиллиги туфайли О.Шарафиддинов ижодининг тамоман янги қирралари очилди. Унинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқелик таҳлил этилган, бугунги куннинг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб мақолалари, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималари бунинг тасдиғидир. Жумладан, "Довондаги ўйлар", "Бозор ва маънавият", "Фан гўзаллик ҳисси билан тирик", "Нажот – ҳамкорликда" сингари мақолаларида янги руҳ, ўй ва фикрлар ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда)

## ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИДА:

### Ўқувчига телефон керакми?

3



... дарс ўтишимга халақит бераётганликларини айтиб, огоҳлантирсам, жаҳл қилиб, намойишкорона синф хонасидан чиқиб кетган ҳолатлар ҳам бўлди. Нима қилиш керак? Қаттиқроқ койисак, отаси югуриб келади. "Мен пулимга телефон обберганман, акаси", дейди.

### ГУМОН иймондан айирмасин

7



### Хотираси ҳам кулдиради

4

*ёки Ҳожибой Тожибоевнинг сўнгги интервьюси*

**– Ўзи сизга Ҳожибой деб исм қўйишларининг бирор сабаби борми?**

– Асли менинг исмим паспорт бўйича Ҳожимурод. Ота-онам эъзозлаб, атайлаб қўйган. Бу исмнинг тарихи шундай: уруғимизда дадамнинг ойилари – бувимизнинг Ҳожимурод исмли бир инилари ўтган экан. У киши най чалган, жуда кучли найчи бўлган. Шу инсоннинг номи ўчиб кетмасин деб, менга унинг исмини қўйишган экан. Ҳожибой бўлишимга сабаб, бобомнинг исмлари Тожибой бўлган. Шунга оҳангдошликдан Ҳожибой Тожибой, деган бир чиройли ном келиб чиқди-да, кўнгилга янаям яқин бўлиб қолди.

11




ёхуд стресс-асаб таранглашуви ҳақида нималарни биламиз?

### Яхши аёл бўлиш осонмас

15



Нега Европа халқлари ҳозирга қадар "Шарқ - нозик масала", уларнинг сирини тушуниш қийин, дея эътироф этишади. Бу эътироф биз, аёлларга ҳам қаратилган эмасми, аслида.

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

О.Шарафиддиновнинг 2004 йилда чоп этилган “Ижодни англаш бахти” ва “Довондаги ўйлар” китоблари унинг серқирра ижодини, нафақат адабиётшунос, балки истиқлол моҳиятини теран англаган инсон, маънавий жасорат кишиси эканини ёрқин намоён этди.

“Довондаги ўйлар” китобида ижодкорнинг умри давомида излаб топган ҳаётий ҳақиқатлари, истиқлол неъматлари, замонамиз қаҳрамонлари ифода этилган. Китобдаги “Йўлбошчи”, “Истиқлол меъмори”, “Мустақиллик жилолари”, “Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож” мақолаларида ижодкорнинг юракдан чиққан сўзлари, айни пайтда халқимизнинг дилидаги гаплар жо этилган. Адиб Президентимиз ҳақида ёзар экан, мустақиллик ҳақидаги қарашларини, тушунчаларини ифодалайди. Чиндан ҳам, Юртбошимиз фаолияти ва мамлакатимиз мустақиллиги одимлари ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдиради. О.Шарафиддинов Президентимиз ҳақида ёзишдан олдин кўрган-билганларини қалб тарозисида ўлчаган. Шунинг учун ҳам ишонч ва эътиқод билан бундай дейди: “...бу инсон ҳеч қандай қолипни тан олмайди, ҳар қандай вазиятда самимийлигини сақлаб қолишга интилади, расмиятчиликни жинидан баттар ёмон кўради ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоний мантиқ асосида фикр юритиб иш тутишга одатланган. У ниҳоятда заковатли, зеҳни ўткир, ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам туб моҳиятини кўра билади. Хуллас, улкан сиёсатчи учун зарур бўлган барча ноёб фазилатларга эга. Буларнинг ёнига жасурлик ва дадиллик қўшилиб, уни беҳиҳоя қатъиятли инсонга айлантирган. Айни чоғда, одамларнинг табиатини яхши ҳис қиладиган, уларга ишонадиган, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта оладиган раҳбар”.

### *Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллиги олдидан*

# ОЛИМ УМРИНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ



О.Шарафиддинов “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири сифатида самарали фаолият юритди. Бош муҳаррир касалхонанинг жарроҳлик бўлимида, чап оёғи сонидан қирқиб ташланган вазиятда “Жаҳон адабиёти”нинг илк сонини қўлига олди. Жисми-жонидаги аёвсиз оғриқ азобига қарамасдан бундан унинг қалбида қуёш чарақлагандек бўлди, инсон руҳидаги поклик, бахтиёрлик, маънавий юксаклик ҳар қандай вазиятда ҳам намоён бўлишини исботлади. Журнал илк сонлариданоқ О.Шарафиддиновнинг муҳаррирлик истеъдоди, тафаккури, заҳмати ва жасорати билан барча бирдек севиб ўқийдиган севимли нашрга айланди.

Журнал дунё халқлари адабиёти, санъати, эстетикаси, маданиятига очилган нурли дарча бўлди. Инглиз, немис, рус, хитой, япон, француз, араб, ҳинд тилларидан бевосита таржима қилинган асарлар нуфуси, нуфузи ортиб борди. Бош муҳаррирнинг ўзи кўплаб бадиий, илмий, публицистик, биографик асарларни таржима қилди. Унинг таржима-асарларида журналхон учун янгилик бўладиган томонлар ҳамиша топиларди. Фантастика, детектив, саёҳатнома, хотира асарлар китобхон эсида қолди. Тибет табобати, тамаддуни, урф-одатлари ҳақидаги туркум асарлар журналхон хотирасида муҳрланиб қолган. Журналда мумтоз, ҳозирги фалсафа, донишмандлар ҳақида бири-биридан қизиқарли материаллар берилди. Жиддий мақола, романларни ўқиган ўқувчи ҳангома, латифа, митти ҳикматлар билан танишиб ҳузур қилади.

Саккиз йиллик муҳаррирлик фаолияти О.Шарафиддиновнинг қарашлари, тушунчаларига ҳам янгиликлар олиб кирди, “Жаҳон адабиёти” таҳририят аъзолари, таржимонлар учун ўзига хос мактаб бўлди. Суҳбатларимизнинг бирида у киши тинимсиз китоб йиққанини, уларни танламай ўқийверганидан нолиброқ гапирди. “Китоблар ўзига хос дунё, мисоли бир уммон. Инсон ҳеч қачон ҳамма китобларни ўқибгина эмас, варақлаб ҳам улгурмайди. Аввал бошданоқ китобни танлаб, чертиб-чертиб ўқиш керак экан”, деди. Ана шу фикрга суянган устоз ҳар доим, биринчи галда асарнинг ўқувчига нима бера олиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанглиги, келажак авлод камолотига таъсири ҳақида ўйларди.

Умри тугаб бораётганини сезган О.Шарафиддинов охирги йилларда ниҳоятда қаттиқ ишлади. Шифохонада, жиддий операция арафасида ҳам, жарроҳхонадан чиққандан кейин ҳам нималарнидир хаёлида пишитиб юрарди. “Нутқ ёҳуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари”, “Шундай шоир ўтган эди”, “Зикриё Мирҳожиев жумбоғи”, “Тил илмининг дарғаси”, “Хаёллар бандаси”, “Бир нутқ тарихи”, “Сизни соғиндим, Зулфия опа” сингари мақола, бадиа, жажжи портретлар ана шу хаёлнинг меваси сифатида дунёга келган.

Устоз хасталик билан курашаётганида Юртбошимиз уни ҳамиша руҳан суяб турди, бевосита мадад кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз”, деб ёзади. Юртбошимиз мазкур асарида академик Яҳё Ғуломов, шоира Зулфия қаторида адабиётшунос Озод Шарафиддиновни ҳам юксак маънавий жасорат соҳиби сифатида тилга олади. “Бу ажойиб инсоннинг номини кўпдан буён эшитиб юрган бўлсам-да, мен у киши билан истиқлол йилларида яқиндан танишдим. Унинг фақатгина илмий-педагогик фаолият билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам беқиёс фаоллик кўрсатгани олимга бўлган ҳурматимни янада зиёда қилди.

Кўплаб замондошларимиз қаторида мен ҳам, айниқса, Озод аканинг иродаси қандай бақувват эканига, унинг қалб жасоратига қойил қолганман”, дейди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, икки оёғидан ажралган, бунинг устига кўриш қуввати ҳам ёмонлашган бўлишига қарамай, бу инсон ўз бурчи ва эътиқодига содиқ қолиб, “Жаҳон адабиёти” журнали материалларини таҳрир қилиб бориш билан бирга, кўплаб асарларни ўзбек тилига таржима қилди, миллий маънавиятимиз ривожи йўлидаги самарали меҳнатини озгина бўлсада камайтирмади.

Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган асарида таъкидланганидек, ўзини ўзбек халқининг фарзанди деган ҳар қайси инсон ана шундай фидойи юртдошларимиз билан чексиз фахрланади, униб-ўсиб келаётган болалари, шогирдларига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан ана шундай одамларни намуна қилиб кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллиги кенг нишонланиши Юртбошимизнинг Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотирасига бўлган чексиз эҳтиромининг яна бир ифодасидир. Устоз юбилейи муносабати билан юртдошларимиз унинг ҳаёт йўлини, бой ижодини қайтадан ўрганмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддинов юксак инсоний фазилатлари, ҳаётий асарлари, жўшқин фаолияти билан ҳаммамизга, айниқса, ёшларимизга ҳамиша ўрнак бўлиб қолаверади.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.**
**(ЎзА)**

---



# ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

**Хурсандой ЖЎРАҚУЛОВА,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Шеробод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.**

Донишмандларнинг аёллар ҳақида чиройли бир ўхшатишлари бор: “Яхши тарбия кўрган аёл сени ҳаёт тўфонларидан асровчи кулба бўлса, ёмон хулқли аёл кулбангда кўтарилган бўрондай гап”. Дарҳақиқат, оила мустаҳкамлигини сақлашда, ёшларни тўғри ҳаётга йўналтиришда бизнинг зиммамизда катта масъулият туради. Бу ўринда энг муҳим жиҳат, ўсиб келаётган йигит-қизларимизни оила ҳаётига соғлом қилиб тарбиялаш, асосий мақсадимиз саналади.

**✔ *БАХТ ОСТОНАСИ***

Шеробод туман ФҲДЁ бўлими ходимлари ёшларни оилага, ота-оналикка муносиб қилиб тайёрлаш мақсадида туну-кун изланиб, меҳнат қилишмоқда. Туман хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, турли жамғармалар билан биргаликда туманимиз қишлоқларида, ташкилотларда, таълим муассасаларида бўлиб, ёшлар ҳамда ёш оилалар ўртасида турли учрашув, тадбирлар, тарғибот ҳамда ташвиқот ишларини мунтазам ўтказиб келмоқдамиз.

“Катта ҳаёт” ва “Оқтепа” маҳаллаларида, Шеробод педагогика коллежида, 1-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган жонли мулоқотларимизда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга оилашунос мутахассислар, ибратли оилалардан келган онахонлардан маслаҳатлар олишди.

Ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини намунали ташкил этишда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ходимлари, хусусан, поликлиника бошлиғи Бахтиёр Раҳимовнинг кўмаги катта бўлаётганини айтиб ўтишни жоиз деб биламан.

ФҲДЁ бўлимига ёш йигит-қизларимиз ўз оила қўрғонлари пойдеворини қурмоқ учун келишади. Уларнинг никоҳларини қайд этар эканмиз, ёш юраклардаги қувонч ва бахт бизни ҳам хушнуд этади. Мукаррам Ҳасанова ва Барчиной Муҳаммадиева каби жонкуяр ходималаримиз бу ерга келувчи ҳар бир фуқарога намунали хизмат кўрсатишга интиладилар.

Бошланган Янги йилда ҳам оилалар мустаҳкамлигини сақлаш йўлидаги барча эзгу ишларимизни давом эттиришни ният қилганмиз.

# ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ УЙ

– Янги йил тантаналари давом этаётган айни кунларда “Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамияти томонидан ёш оилалар учун бунёд этилган янги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди, – дея хабар беради ЎзА мухбири М.СУЛАЙМОНОВ. – Ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан камол топиши, билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, жамиятда ўз ўрни ва мавқеини эгаллаши учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамиятида ҳам мазкур йўналишда салмоқли ишлар олиб борилаётир. Ўтган йилда ёшлар учун кўплаб хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ишга туширилди.

Қиргули мавзеида қуриб битказилган мазкур уй ёшларга яна бир муносиб тухфа бўлди. Бу ерда 70 га яқин ёш оила истиқомат қилади.

---



Муаллим ҳақида сўз кетса, мураббий, устоз ва ҳеч иккиланмасдан “отангдек улуғ” дея уларни эъзозлаймиз. Тўғрида, бор илмини, меҳр қўрини эртанги кунимиз эгалари қалбига сингдиришдек оғир ва шарафли вазифани уддалаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ангрен шаҳридаги 28-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мунирахон Турдиалиева худди биз таърифлаётган эътирофга лойиқ десак, муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам уни каттаю-кичик ёшдаги ўқувчилар “бизнинг устоз” дея фахрланиб тилга олишади.

Ушбу суратда Мунира Турдиалиева 5-синф ўқувчиларига улуғ она тилимиз сабоқларини бераётган лаҳза муҳрланган.

**Суратни Ҳусанбой АВВАЛОВ олган.**

***Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»***

# Буғдой сўзли, меҳр-муҳаббатли



МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

***ёхуд Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Байтқўрғон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий- ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси Дилором САЛИМОВА фаолиятига айрим чизгилар.***

**Дилором опани уйига йўқлаб борсангиз "маҳаллага кетувди" дейишади, маҳалладан сўрасангиз "ҳозиргина шу ерда эди-я, енгилроқ масалада кетган бўлса, тез қайтади, лекин..." дея жўялироқ жавоб эшитмасангиз билингки, маслаҳатчи жиддийроқ муаммони ҳал қилаётгани аниқ. Очиғи, қибрайлик бу тиниб-тинчимас аёл ҳақида кўп эшитганман. Билмадим, мен у киши билан бор-йўғи бир кун бирга юриб, айрим ҳаётий воқеаларни кўриб, "балки маҳалла маслаҳатчиси деган оғир, масъулиятли вазифани бажараётганлар Дилором Салимова билан танишиб, тажриба алмашсалар, ҳар қандай муаммо олдида эсанкираб қолмасди", деган ўйгаям бораяпман. Хуллас, қолган гапларни ўзидан эшитайлик-чи**:

– Қиш ойларининг бошида набирам ўқийдиган мактабда ота-оналар йиғилиши бўлди. Мажлис тугагач, айтилган, муҳокама қилинган гап-сўзларни мулоҳаза қилиб қайтаётсам, кўча муюлишидаги ўриндиқда баҳслашаётган қўшни аёлларга дуч келдим. Шошилиб турганим учун тезроқ ўтиб кетмоқчи бўлдиму лекин Зуҳра келиннинг гапини эшитиб тўхтадим.

– Озгина кеч қолдингиз, опа. Ажойиб томоша бўлди-да, ўзиям, - деди у зўр бир янгиликни айтаётгандек қувониб.

– Ҳозиргина ёш бир қиз ичиб олган шекилли, ёнимизга келиб, биздан ўзининг қаерда яшашини сўради. Уни танимаганимиз учун индамадик. У чайқалиб-чайқалиб бориб, ерда ўтирди-да, сўнг ўрнидан туриб, катта асфальт кўчага чиқиб олди. Изидан қизиқиб бориб кузатиб турдик. Шу пайт бир оқ "Нексия" тўхтади-да, ичкаридан барваста киши чиқди-ю, ҳалиги қизчани олиб кетди,-дея бамайлихотир сўзлаётган Саломат деган аёлнинг гапларини эшитиб пешонамдан тер чиқди.

– Ўнг томонда маҳалла гузари, юз метр нарида участка нозирининг хонаси бўлса, нега бирорталаринг ҳеч кимга хабар бермадиларинг? – дедим бақиргудек бўлиб. – Сенларга текин томоша керак. Ахир шу қизнинг ўрнида сизларники ҳам бўлиши мумкин-ку, нега бунчалар бефарқсизлар?!

Орадан шунча кунлар ўтса ҳамки, қай ҳолатдалигидан қатъий назар, ўша вояга етмаган қиз ҳақида ўйлайман. Ким билади, балки, у яхши бир оиланинг фарзандидир. Туғилган кун ёки бирорта тадбирга борган бўлса, алдаб ичиришгандир. Уни машинасида олиб кетган одам ким экан? Ишонасизми, орамизда шундай совуққон, бефарқ одамларни кўрсам, тутақиб кетаман. Нега бунчалар бепарвомиз-а?

Қаҳрамоним куюниб сўзлаяптию, остонада турган кишиям хижолат бўлиб секин эшикни ёпиб қўяди. Сездим, ҳалиям ўша кўнгилсиз ҳолат уни қаттиқ изтиробга соларди. Мавзудан сал чекиниш бўлса-да, маслаҳатчини бошқа саволлар билан чалғитдим.

**– Ҳам она, ҳам маслаҳатчи сифатида айтсангиз, айрим ёшларнинг кўча таъсирига берилмасликлари, нотўғри ҳаёт тарзини танламасликлари учун ота-оналар кўпроқ нималарга эътибор беришлари керак?**

– Биз **МАҲАЛЛА-МАКТАБ-ОИЛА** ҳамкорлиги ҳақида кўп гапирамиз. Одамлар ўртасида бу хақда тушунтириш ишлари олиб борамиз. Аммо мактаб маъмурияти ёки бизнинг саъй-ҳаракатимиз билан муаммога ечим тополмаймиз. Бу ҳаммамизга боғлиқ масала. Ҳали норасида фарзанд тарбиясига масъуллик кўпроқ оналар зиммасига юкланади. Оталар кўча одами-да. Хўш, бола мактаб ёшига етгач-чи: у 5 ёки 6 соат устози назоратида бўлади. Тасаввур қилинг, дарсга камида 4-5 хил ўқитувчи киради. Болаларнинг руҳий ҳолатини ўрганишлари учун уларда вақт бўлмайди. Белгиланган дарсини ўтдими, зиммасидаги масъулиятни бажарган бўлади. Айтайлик, бир синфда ўттиз ўқувчи бор. Уларнинг орасида эндигина сигарет чекишни ўрганаётганлари ёки ичкилик татиб кўрганлари ҳам топилади. Бундай болалар ўртоқларидан ўзини олиб қочадиган, одамови, хаёлпараст бўлиб қолади. Улар ота-онаси сезмаслиги учун мактабдан қайтган заҳотиёқ оғизларини чайиб чиқишади. Агар зуккороқ она бўлса, фарзандининг кийимидаги нохуш ҳидларни, кўзларидаги бежоликни дарров пайқайди. Уни кўча ҳаётига ўрганмасиданоқ, бу йўлдан қайтариб олади. Болаларнинг ёмон йўлга кириб кетишига кўпроқ ота-онанинг бефарқлиги сабаб бўлади.

**– Нима деб ўйлайсиз, нотинч оилалар билан ишлашдан кўра, носоғлом оилалар билан ишлаш қийинроқми?**

-Нотинч деб ҳисобланган оилаларда баъзан эр-хотин ёки қайнона-келин ўртасида арзимас келишмовчиликлар бўлиб туради. Ундайларни муросага келтириш қийин эмас. Лекин носоғлом оилаларда муаммо жиддий яъни аёл ёмон йўлга кирган бўлади, ёки фарзандларидан бири ўғрилик, гиёҳвандлик сингари қабиҳ ишлар билан шуғулланади. Бир воқеани айтайин сизга.

Қишлоғимизда бир неча йиллардан буён номақбул ишлар билан шуғулланадиган аёл бор эди. Эри ҳам уни енгилоёқлиги туфайли ташлаб кетганди. У маҳалла-кўйнинг тўй-маъракаларида иштирок этмас, ўз билганича яшарди. Шу аёлни маҳалла идорасига чақириб, жуда самимий оҳангда гаплашиб, насиҳат қилдим. "Икки қўлу оёғинг бутун бўлса, нега болаларингга ҳаром луқма едираяпсан? Сен бу қилмишинг билан ўзингга душман тарбиялаяпсан-ку! Бир кун келиб, ҳеч ким қизларингни келин қилмайди, ўғилларингга қиз бермайди. Ҳаёти барбод бўлган болаларингдан бирортаси ўз қўли билан сени жаҳаннамга итариб юборганини билмай қоласан", дедим. У мени тушунди ва ҳатто ўз қўли билан тилхат ёзиб берди. Бандлик бўлими орқали иш билан таъминладик. Қўшимча даромад топиши учун маҳалламиз гузарида савдо-сотиқ қилишига рухсат олиб бердим. Шу йил ёз ойи давомида у бозорда қовун-тарвуз сотиб, яхшигина пул топди. Шундаям унинг уйига бориб келаман. Ишқилиб, тузалгани рост бўлсин-да.

Чин маънода ўз маҳалладошларининг маслаҳатчисиға яъни энг яқин маслакдоши, суянчиғига айланган Дилором Салимованинг иш куни кечаю кундуз давом этади, десак ишонаверинг. Негаки, ўзининг савобли ишлари туфайли Юртбошимиз эътирофига сазовор бўлиб, Ватанимизнинг шарафли муқофотига лойиқ кўрилган қаҳрамонимиз ҳаётини, иш фаолиятини энг аввало аҳил ва қадрдон маҳалласисиз тасаввур қилолмайди. Шу куни Дилором опа бевосита ўзи гувоҳ бўлган ўнлаб ҳаётий воқеаларни бирма-бир айтиб берди.

– Бундан бир неча йиллар муқаддам Дилафрўз ҳамда Дилшод деган эр-хотин икки нафар фарзандлари бўлишига қарамай ажрашмоқчи бўлишди. Келин икки боласи билан онасиникига қайтиб борди. У ерда ҳам уч нафар келин борлиги учун аёл болалари билан ошхонада яшай бошлади. Бу орада улар ярашиб, Дилафрўз яна қайнона уйига қайтиб борди. Аммо қайнона-келин ўртасидаги муносабат яхшиланмагач, келин изига қайтди. Энди учинчи фарзанди туғилди. Яраштирмаймиз, деб оёқ тираб туриб олган икки қудани муросага келтириш осон кечмади. Қудалар рози бўлгач, йигитни олдимга ўтқазиб: "Хотинингни яхши кўрасанми? Ундан кўнглинг тўладими?" десам, бўлмасам-чи, дейди жилмайиб. "Ота-онангни-чи", десам "яхши кўраман", дейди болалардай эркаланиб. "Фарзандларинг ҳам сениям, онасиниям ана шундай яхши кўради. Уларни етим қилишга ҳаққинг, йўқ", дедим. Охир-оқибат эр-хотин ярашиб кетишди. Яқинда қишлоқ фуқаролар раисининг ёнига кириб, уй-жой қуришлари учун 6 сотих ер олишларига ёрдам бердим. Ҳозир янги участка қуриш арафасида...

***Дилором опа билан суҳбатлашиб "фидойи" деган сўзнинг маъносини юрак-юракдан ҳис этдим. Қанийди, опанинг бошқа сафдошлари ҳам унингдек ҳар бир оилага, ҳар бир инсон қалбига ўзларининг буғдой сўзи, меҳру-муҳаббати билан кириб борсалар, олам гулистон бўлур эди.***

**"Оила ва жамият" мухбири**
**Нигора РАҲМОНОВА**
**суҳбатлашди.**

# Ўқувчига телефон керакми?

МУЛОҲАЗА



Шиддаткор замона зайли деймизми, техника асрининг мўъжизакорлигими, хуллас, фарзандларимиз дунёқарашидан бошлаб, уларнинг турли хатти-ҳаракати, ҳатто тарбиясигача бу ўзгаришлар қайсидир даражада ўз таъсирини ўтказаяпти. Оддий мактаб ўқувчисининг исталган русумдаги компьютер дастурларида ишлаши ёки юз хилдаги уяли телефон аппаратларини осонгина эгаллаб олаётганини кўриб, уларнинг идрокига тан бермасдан иложимиз йўқ. Бу албатта, ҳаммамизни қувонтиради. Лекин... Масаланинг иккинчи бир жиҳати ҳам борки, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаш керак. У ҳам бўлса, мактаб ўқувчиларининг қўл телефонидан фойдаланиши урфга айланаётганидир? Очиғи, ҳозирги кунда айрим оилаларда "телефон обберинг, бўлмаса мактабга бормайман", дейиш болалар учун оддий ҳолатга айланиб қолди. Ким билади, балки бу ҳам ўткинчи жараёндир ёки шунчаки ТАЛАБдир. Нима бўлгандаям бу ҳолатга эътиборсиз бўлиш мумкин эмас.

Яқинда 9-синф ўқувчиларининг ота-оналари иштирокидаги йиғилишда қатнашдим. Айнан кун тартибида бугун биз сўз юритаётган мавзу муҳокамаси ҳам бор экан.

- Синфдаги аксарият ўқувчиларда уяли телефон бор. Бу биринчи навбатда бошқа, телефонсиз болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаяпти, - деди физика фани ўқитувчиси нолиб. - Ўқувчилар дарс тинглаш ўрнига, нуқул телефон аппаратини ўйнаш билан овора. Бундай бўлмағур қилиғи билан дарс ўтишимга халақит бераётганликларини айтиб, огоҳлантирсам, жаҳл қилиб, намойишкорона синф хонасидан чиқиб кетган ҳолатлар ҳам бўлди. Нима қилиш керак? Қаттиқроқ койисак, отаси югуриб келади. "Мен пулимга телефон обберганман, акаси", дейди.

- Энг аввало, ота-оналар бу борада қаттиққўл бўлиши керак. Болалар назарида телефон тутиш гўёки бир обрў. Ахир энг биринчи мақсад яхши ўқиб, илм эгаллашку! - деди шу синфнинг раҳбари куйиниб.

- Ҳар қандай ота-она ўғил-қизи қаерда, нима машғулот билан банд эканлигини билиб туриши учун ҳам уларда телефон бўлса яхши эмасми? - деди оталардан бири.

Бу гапни эшитган маҳалла фаоли Адолат опа кескин оҳангда ўз муносабатини билдирди:

- Ҳали 6-7 синфда ўқиётган болага телефонни ким қўйибди? Унинг вазифаси - ўқишми, аввало, яхши ўқисин! Ҳамма орзу-ниятига илмли, ҳунарли бўлгач, етишишини бизнинг ўзимиз уларнинг онгига сингдирайлик...

Хуллас, шу куни бу борада турли хил фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Йиғилиш ниҳоясида эса икки тарафнинг фикри бир жойдан чиқди. Қайси бир ўқувчи мактабга уяли телефон кўтариб келса, муҳокама қилиниб, чора кўришга келишиб олинди.

Ниҳоят, бир мактабда бу масалага ечим топилганидан суюниб, уйга қайтаётсам... Рўпарамдан қўшни маҳалладаги бошқа таълим даргоҳида ўқийдиган ўсмирлар чиқиб қолишди. Уларнинг гапларидан сездим, кинотеатрдан келишаяпти. Севги ҳақидаги фильмни муҳокама қилишарди. Шу пайт кимнингдир телефони жиринглаб қолди. Болалардан бири шоша-пиша сумкасидан телефонини олди-да, дўстларига: "Жим бўлларинг, тсс..." деб кўрсаткич бармоғини лабига босди.

- Ассалому алайкум, ада! Ҳа, яхшиман. Қаерда бўлардим, дарсдаман-да. Мана, Нодир ҳам ёнимда ўтирибди. Ма, Нодир, паханим билан ўзинг гаплаш. Дарсдаман десам ишонмаяптилар...

Изоҳга эса энди ўрин қолмади. Бир нарса аниқки, ўша ўқувчининг отаси ўғлининг ростданам "дарсда" эканлигига ишондимикан?..

**Аллома АЗИЗОВА,**
**Тошкент тумани.**

***Суҳбатдошимиз – нафақат кўрганингизда, балки исмини эшитганингиздаёқ бирдан юзингизга табассум инадиган қизиқчи, халқона мутойиба устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой ТОЖИБОЕВ! Бу гурунг 2007 йилнинг 17 ноябрь куни «Ўзбекистон» радиоканалида жонли мулоқот шаклида эфирга узатиладиган «Сиз кутган учрашув» эшиттиришида янграган ва... минг афсуски, бу машҳур кулгу дарғасининг энг сўнгги концерти арафасида берган интервьюси бўлиб қолди.***

# Хотираси ҳам кулдиради

## ёки Ҳожибой Тожибоевнинг сўнгги интервьюси



### "ВОЙ, СИЗ ҲАМ НАВБАТГА ТУРАСИЗМИ?"

**– Ҳожибой ака, сиз кўп ўқийсиз, изланасиз, ҳаётни кузатасиз. Ва йил охирида сарҳисоб концертингизда ўзларининг "масаллиғи"дан тайёрлаган "пишириқ"ларни ўзларига, яъни шу оддий одамлар – томошабинларга улашиб берасиз. Эшитишимча, бу йил ижодий фаолиятингизга 30 йил тўлибди. Концертда бу санага алоҳида урғу бериладими?**

– Эллик ё қирқ йилликни эсласа, нишонласа арзир, лекин ўттиз йил актёр учун катта сана эмас. Бу ҳақда фақат ора-орада гапириб ўтиб кетиш менинг назаримда мумкиндир. Томошабин буни билмайди. Агар, керак бўлса, талабалик давримдаги воқеалар ёки ўша 30 йил давомида бўлган энг қизиқ гапларимни гапириб ўтаман-да, шу санага боғлаб кетарман. Халқимиз ҳаётида бир йил ичида кузатилган қизиқ воқеаларга оид қайноқ, янги-янги мавзулар бор, кўпроқ ўшалар ҳақида гапирмоқчиман.

**– Одатда инсон табассум қилганида чиройли кўринади. Тўғрироғи, шундай деб ўйлайди, кулсам чиройли кўринаман, бошқаларга ёқаман, дейди...**

– (кулади) Ҳа, кулгули одам яхши одам, кулгу уйғотувчи нарса хавфли эмас, дейишадиям.

**– Энди бу ҳам бир оддий ҳақиқат-да. Шу тариқа бирор ишни битиришда беихтиёр куламиз, кулиб мурожаат қиламиз. Хитойда табассум қилишни билмайдиган одамни савдо соҳасига ишга олмас экан. Сиз ўзингиз билан боғлиқ шу каби кулгунинг таъсирини кузатганмисиз?**

– Яъни...

**– Мана масалан, устоз санъаткор Эргаш Каримов бир куни адашиб суд залига кириб қолибди. У ерда эса эр-хотиннинг ажрашиш масаласи муҳокама қилинаётган экан. Залдагилар ҳам, ҳакамлар ҳам Эргаш акани кўриб кулиб юборишибди. Ҳатто, аразлашиб ўтирган эр-хотин ҳам. Шунда суд раиси: "Ҳурматли Эргаш ака, илтимос, залдан чиқиб турсангиз", дебди. Кейинчалик маълум бўлишича, ўша жараён шу лаҳзадаёқ бошқача тус олиб, эр-хотин бир-бирини кечириб, ярашиб кетган экан...**

– Қойилман, устозга! Тўғри, кулгили гапларни эшитганда ёки шундай ҳолат бўлганда асаблар бир қадар юмшайди, жаҳлдан тушади. Менда ҳам бундай воқеалар кўп бўлган. Бир жойда одамлар навбат талашиб, қийқиришиб турган пайтда мен ҳам келиб, секин уларнинг сафига қўшилдим. Шу пайт мени кўриб қолишиб, ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Мунда-а-ай "пичир-пичир" қилишди-да, кейин: "Вой, сиз ҳам навбатга турасизми?" дейишди. Мен: "Агар бенавбат турсам, мениям ғажиб қўясизлар-ку!" десам, баравварига кулиб юборишди.

### БЕМОР КУЛСА, ЖАҲОН КУЛАДИ

*Айнан шу вақтда мухлислардан студияга қўнғироқ бўлади. Улардан бири ўзини таништириб, савол беради.*

**– Мен Тошкентдан Софияман. Ҳожибой ака, шундайлар ҳам борки, тўй-томошаларда одамларни зўрма-зўраки кулдирмоқчи бўлади. Баъзи қизиқчиларимизнинг латифаларини ёдлаб айтиб беради. Шундайлар ҳақида ҳам латифа айтганмисиз? Бу биринчи саволим. Иккинчиси, айтайлик, бир беморга шифокор, "сиз кулсангизгина соғайиб кетасиз", деган шарт қўйган. Аммо у кулолмайди. Дўхтирлар ҳам, беморнинг оила аъзолари ҳам сиздан уни кулдиришингизни илтимос қилишса, қандай йўл тутардингиз?**

– Синглимизнинг иккинчи саволи жуда оригинал, зўр савол бўлдида. Мен аввал шунисидан бошлайман. Агар шундай илтимос бўлса, масалан, бир бемор бор, шунинг кўнглини кўтариш керак, озгина кулдириб берсангиз, ёки бир кўриб келайлик, деса, мен буни ўша пайтда ўз вазифам деб билган, астойдил бажарган бўлардим. Ахир, мен бекорга бормаяпман. Ўша жойда бир нарса ўйлаб топардим ва шу беморни оз бўлса-да кулдиришга ҳаракат қилардим. Чунки, бемор кулса, бутун жаҳон кулади, дейдилар-ку. Бемор кулса, дўхтирларнинг ўзлари ҳам кулади, худди бир мошина ютиб олгандай қақирлаб кулади, яқинлари эса юз баробар кулишади-да! Катта хурсандчилик-ку бу. Эътибор берсангиз, шоирлар борса, касалга қараб, мен сизга шеър ўқиб берай, демайди. Ёки ашулачилар борса, мен ашула айтиб бераман, демайди. Ҳамма бирлашиб олиб, айтайлик, ёшлигини эслатиб, қизиқ гапларни гапириб, беморни кулдиришга ҳаракат қилади. Кулгандан кейин айтади: "Ў-ў-ў! Кулди! Биз кулдирдик. Бу энди одам бўлади бу", – дейди. Худди ўшандай, агар илтимос қилишганда, бажонидил борган бўлардим.

Биринчи саволга келсак, кулдиролмайдиган, бировларнинг латифаларини ёдлаб юрадиган қизиқчилар... Энди, ўзим шу соҳада ишлаганимдан кейин ҳаққим йўқ уларни танқид қилишга. Лекин саволингизга жавоб беришга уриниб кўраман. Аввало, шу қизиқчини тўйга таклиф қилган одамга қойилмасман. Бироқ бошланишида ҳеч қайси қизиқчи машҳур бўлиб туғилмайди. Гап эшитади, сўкиш эшитади, сўзлари қовушмайди, "сен кулгули одам эмассан", дейди, "қизиқчи одамнинг башараси ҳам кулгули бўлиш керак", дейди. Кейинчалик секин-секин одамлар унга ўрганиб, ижоди ҳам гуркираб... ва бир куни катта қизиқчига айланади.

### "ҲОЖИБОЙ"ГА КЎНИКДИМ

*Мухлис саволи:*

**– Ҳожибой болам, мен Тошкентдан Мавжуда она бўламан. Кўпинча янглишиб, сизни Тожибой деб қоламан. Ўзи сизга Ҳожибой деб исм қўйишларининг бирор сабаби борми?**

– Асли менинг исмим паспорт бўйича Ҳожимурод. Ота-онам эъзозлаб, атайлаб қўйган. Бу исмнинг тарихи шундай: уруғимизда дадамнинг ойилари – бувимизнинг Ҳожимурод исмли бир инилари ўтган экан. У киши най чалган, жуда кучли найчи бўлган. Лекин санъат соҳасида ишламаган бўлса-да, жуда истеъдодли найчи сифатида уни кўпчилик таниган. Шу инсоннинг номи ўчиб кетмасин деб, менга унинг исмини қўйишган экан. Эҳтимол, ўша инсоннинг номидан ўтгандир менга шу санъатнинг йўли. Ҳожибой бўлишимга сабаб, бобомнинг исмлари Тожибой бўлган. Шунга оҳангдошликдан Ҳожибой Тожибой, деган бир чиройли ном келиб чиқди-да, кўнгилга янаям яқин бўлиб қолди. Афишаларга номим ёзила бошланган пайтларда бир муҳаррир дўстимиз бор эди, ўша инсон қўймасдан шу номни ёздирган. Аввалига кўниколмай юрдим, кейин ҳамма шундай чақиравергач, мажбур бўлиб, ўзим ҳам бу номга ўрганиб кетдим.

### МЕН МАҚТАБ КУЛДИРАМАН

**– Ҳожибой ака, бизда ҳозир қўшиқчилар кўпайиб кетди. Аёл қўшиқчилар эркаклардан ҳам кўп. Умуман, бошқа соҳаларда ҳам аёлларнинг ўрни баланд. Аммо негадир, аёллар қизиқчилик соҳасига жиддий "ҳужум" қилишмаяпти? Нима дейсиз?**

– (кулади) ... Қизиқ савол бўлдику. Энди-и-и, қизиқчилик қилиш, масхарабозлик бизнинг аёлларимизга умуман тўғри келмайди-да. Аёл зотидан қизиқчи чиқмаган бизда. Лекин, мана Роза Каримова. Уларнинг ижролари бошқа нарса. Роза опа аниқ мавзудаги воқеани томошабинга етказиб беришда Эргаш акага ажойиб кўмакчи бўлганлар. Улар кулдиришни қойил қилганлар. Кейин яна бир-иккита санъаткор аёллар чиқиб ҳаракат қилиб кўрди. Жуда қийин масала бу. Айниқса, репертуар масаласи оғир. Одамнинг ўзи ижод қилмаса, биров берган репертуарга ёлчимайди. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг аёлларимиздан қизиқчи чиқмайди, деб ўйлайман.

**– Аёл қалби нозик бўлади. Уларнинг кўнгли билан қандай ҳисоблашасиз?**

– Аёл зотини қандай биласиз? Уйлангандан кейин шу кузатиб, ўз ҳаётингиздан келиб чиқиб гапиравера сиз-да. Ўзимнинг хотиним билан рўзғорда бўладиган кундалик оддий муносабатларимизга бироз қувноқ сайқал бераман. Бунинг қийин жойи йўқ. Ўшанда улар ҳам ўз ҳаётини кўз олдига келтириб, кулади. Мақтаб ҳам кулдириш мумкин, ёмонлаб ҳам. Мен ҳамма соҳа бўйича мақтаб гапириб, кулдираман. Энг яхши йўли шу.

### УСТОЗЛАР ЭҲТИРОМДА

**– Устоз санъаткорлардан кимларнинг ижодини кўпроқ қадрлайсиз?**

– Муҳиддин Дарвешев ҳақида кўп гапирганман, ҳақиқий устозим шу киши, дуоларини олганман. Уйларида бўлганман, улар бизнинг уйга келган. Раҳматлик мен ҳақимда мағрурланиб гапирарди. Репертуар топиш бўйича Муҳиддин акага тенг келадигани кам. Фақат аския санъатида қотиб қолмаган, гапириб бериш санъатида ҳам ўзига хос йўл очган. Микрофонни олиб, саҳнага чиқиб, битта ўзи гапирадиган қизиқчилик йўлини шу инсон бошлаб берди, десак ҳам бўлади. Жуда кўп соҳалар, мавзулар бўйича гапирган. Уларга қаттиқ ҳавас қилиб, ўрганганман. Кейин, Андижондан, худо раҳмат қилсин, Махсум акалар билан кўп суҳбатларда бўлганман,

**✔ ГУРУНГ**

Маҳаматжон ака, Ғани ака, Ҳасан Йўлдошев, Ортиқ акалар... Телеминиатюралар театридаги ижодкорларнинг ҳаммасини ҳурмат қиламан. Ҳасан Йўлдошевнинг репертуарлари, ижро йўллари жуда кучли эди. Эргаш акани-ку қўяверинг, русларда Аркадий Райкин бўлса, ўзбекларда Эргаш Каримов.

### ШОГИРДЛАРИМ КЎП

*Мухлис саволи:*

**– Менинг исмим Зуҳра, самарқандликман. Сизга доим қойил қоламан, ҳангомаларингиз билан икки соат одамларни зериктирмасдан ушлаб турасиз. Кейин, томошабинлар берган гулларни ерга қўймайсиз. Саволларим, нега сиз доим декабрда концерт қўясиз? Кейин, сизнинг шогирдингиз деб кимни айтсак бўлади?**

– Қирчиллама қишда концерт беришимнинг сабаби, бу вақтда ҳамма йиғим-терим ишлари тугайди, меҳнаткашлар дам олади, концертга боришга вақт топади. Феврал охири, мартга бориб эса деҳқон даласига чиқиб кетади. Ана шу жиҳатларни инобатга олиб, кўпинча декабрь ойида концерт уюштирамиз.

Шогирдларимга келсак, мана, «Ҳандалак»ни биласизлар. Валижон мени устоз, дейди. Кейин Шукрулло. Булар нафақат Мирзабекнинг шогирдлари, мениям шогирдларим. Чунки, улар менинг ҳам репертуаримни кузатиб, ҳар доим концертимга келади. Олдимда туради. Мен уларнинг шу жиҳатларини қаттиқ ҳурмат қиламан. Энди, очиғи, улар орасида бир ўзи икки соат томошабинни ушлаб турадигани ҳали йўқ. Буни мен мақтаниш учун эмас, «нега сизга ўхшаса, улар кўпчилик бўлиб чиқади», деган савол туғилмаслиги учун айтяпман. Ўзига яраша уларнинг ҳам йўли бор. Масалан, Валижон ҳам бир ўзи гапириши мумкин, лекин улар бирлашса, қандайдир бир воқеа, жанжаллиқ кулгили воқеалар... Бунда кўпчилик керак бўлиб қолади. Худди рол ўйнагандек, кинодагидек... Улар ўша йўлни танлаган, ўша соҳани эгаллаган. Менга бу соҳанинг қизиғи йўқ. Мен шу, бир ўзим чиқиб олиб, хоҳлаган жойимда гапириб, хоҳламаган пайтимда гапирмай туриб, хоҳлаган пайтимда юриб, ўша жойнинг ўзида йўл-йўлакай ижод қилиб кетишни яхши кўраман.

**– Ҳожибой ака, сиз билан соатлаб суҳбатлашсак ҳам зерикмаймиз. Аммо эфир фурсати ҳисобли эди. Менимча, мухлислар билан бўладиган энг қизғин суҳбатлар концертларингиз орқали ҳали кўп давом этади деб ўйлайман.**

– Албатта! Концертда топганларимни улар билан чин дилдан баҳам кўраман.

**P.S. – *Бу бетакрор кулгу дарғасининг 2007 йил декабр ойида бўлиб ўтган "Келинг дўстлар, кулишайлик!" деб номланган концерт дастури унинг сўнгги оммавий тақдимоти бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Одатда, бизлар таниган, яхши билган инсон ҳаётни тарк этган бўлса, вақтлар ўтиб уни эслаган чоғимизда кўнгил маҳзун тортиб қолади. Аммо Ҳожибой Тожибоевдек машҳур кулгу устасини ёдга олганимизда, унинг тириклар сафида йўқлиги негадир хаёлимизга ҳам келмайди. Гўё у ҳамон тирик, ҳамон ёнимизда юргандай. Ва беихтиёр яна юзимизга табассум югуради. Унинг хотираси ҳам бизни кулдира олади.***

**Қувондиқ СИДДИҚ**

## КЕЧИР МЕНИ СИНФДОШ!

Зубайда билан синфдош эдик. Биринчи синфга борганимда ўқитувчимиз мени у билан бир партага ўтқазиб қўйди. Аммо учинчи синфга ўтганимизда у Илҳом билан ўтирадиган бўлди. Шу кундан бошлаб мен аразлаб, мактабга бормадим. Сабабини онамга айтсам, кулиб-кулиб муаллим билан гаплашдилар-да, яна Зубайданинг ёнига қайтдим. Бу гапни эшитганлар устимдан кулишди. Ҳатто лақаб ҳам қўйиб олишди. Менга эса бу исм жуда-жуда ёқишини, унга нисбатан кўнглимда иликлик борлигини... жуда кеч англадим.

Биламан, Зубайда ҳам менга бефарқ эмасди. Гоҳо опамнинг қўлидан челакни тортиб олиб, сув олиб келиш баҳонасида булоқ бўйига чопардим. Мактабда айтолмаган дардларимни унга сирли маънода сездирардим. У бўлса уялиб, ерга қарар, сўнг... "жиннивой-ей, бизлар ахир синфдошмиз-ку", дея кетиб қоларди. Синфда эса жиддий ўтирардик. Бир куни... Тўққизинчида ўқиётган пайтимиз унга ёзган шеърий хатимни сездирмай кундалиги орасига солиб қўйдим. Бир кун ўтди, икки кун ўтди, у эса жим эди. Охири... Онаси мени кўчада кўриб қолди-да, ёнига чақирди. Юрагим "шув" этиб кетди. "Зубайда айтибди, энди нима дейман?" дея зўрға судралиб бордим. У киши эса илиқ саломлашди-да: "Ҳали ёшсизлар-ку болам, аввал яхши ўқинглар, кейин ўйлашамиз, хўпми?"-дея кулиб қўйди...

Битирув кечаси куни Зубайдага кўнглимдаги дардимни очиқ айтдим. У узоқ ўйланиб турди-да, яна ўша, 5-6 йил аввалги гапини такрорлади: "Синфдошмиз-ку!" Мен эса кулиб юбордим. У хайрлашиш учун секин қўлини узатди...

Ҳаммаси кейин бошланди. Шаҳарда ўқийману, кунора Зубайдани кўргани келаман. Уям ҳар соатда телефон қилади. Бутун қишлоқ бизнинг ўн йиллик муҳаббатимиздан хабардор эди. Бир куни... уйга келсам, онамнинг синглиси Зиёда холам, аммаларим - бир уй тўла аёл мен ҳақимда баҳслашишаётган экан. Аввалига ташқарида уларнинг гап-сўзларини эшитиб турдим. "Ахир Нигорамнинг ўша Зубайдадан қаери кам? Ёшиям катта-ку, ҳеч замонда синфдошлар ҳам бахтли бўлганми? Опа, ўзингиз неччи йил аввал айтувдингиз, шу қизингни келин қиламан, деб" - Бу холамнинг жавраб айтаётгани. "Йўқ, нималар деяпсиз, укам Зубайда билан аҳду паймон қилишган. Севги ўйинчоқ эмас-ку, бу уларнинг тақдири билан боғлиқ, ахир!" - Бу эса опамнинг гаплари. Хуллас, бири бизни оқлади, бири...

Охири мен ҳам чидолмадим: "Нима гап ўзи, менсиз тўйни бошлабсизларми? Келин бўлмиш ким экан, билсам бўладими?" Бири қўйиб, бири гапира кетди.

Ва... энг сўнгги сўзни онам айтди: "Нигорага уйланасан, васаллом! Менинг кунимга туғишган синглимнинг боласи ярайди. Бегона барибир бегона..."

Оиламизда отам қазо қилгач, онамнинг раъйини, сўзини қайтариш мумкин эмас эди. Мен эса эртаси куни шаҳарга кетганимча бир ой қишлоққа келмадим. Зубайда ҳам шу кунги тортишув ҳақида эшитибди. Телефонда дардлашдик. У эса ҳазин оҳангда: "Майли, пешонамиздан кўрамиз, онангизни норози қилманг, бахтли бўлинг!"- дедию, йиғлаб юборди. Мен ҳам унга на хайр дея олдим, на...

Ҳозир икки фарзандим бор. Зубайда эса... турмушга чиқмади. Қанча совчиларни қайтариб юборди у. Мен унинг бахтсиз бўлиб қолишига ўзимни айбдор деб ҳисоблайман. Кечира олсанг, мени кечир синфдош!

**Сардор ОРИПОВ,**
**Бухоро вилояти.**

# Бешинчи фасл




**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## СЕВГИ

**(саволга жавоб)**

***Севги менинг кечмишимдир***
***бугунимдир,***
***Оловимдир, кулимдир ҳам***
***кукунимдир.***
***Бу йўлларда охир бир кун***
***тўкилгумдир,***
***Севги менинг кўнглимдаги***
***тугунимдир.***

***Бу тугунни ечолмадим,***
***ечолмадим,***
***Сиз ўйлаган дарёлардан***
***кечолмадим.***
***Севги менинг эриб кетган***
***қоримдурур,***
***Сўнг бойчечак бўлиб унган***
***зоримдурур.***

***Якка-ёлгиз қолиб кетди***
***мажнунтолим,***
***Мажнунтолим, хабар олгил,***
***қийин ҳолим.***
***Севги менинг шовуллаган***
***терагимдир,***
***Юлдуз куйган, ой йиғлаган***
***курагимдир.***

***Қумга сингиб кетган тиниқ***
***жилғам менинг,***
***Қумда лола унса агар илғанг мени.***
***Севги менинг найсон ювган***
***кўйлагимдир,***
***Ўлгунимча ўйлагумдир,***
***ўйлагумдир.***

***Қуёш кўрпа қавиб қўйган***
***боғимдир у,***
***Кўксимдаги доғимдир у,***
***доғимдир у.***
***Севги менинг мунисгина***
***чироғимдир,***
***Дилга яқин, лекин кўздан***
***йироғимдир.***

***Қанийди ўз қадамимни***
***пухта қўйсам,***
***Бир хол бирлан бу саволга***
***нуқта қўйсам.***
***Севги менинг ҳеч туганмас***
***азобимдир,***
***Гувоҳимдир, гуноҳимдир,***
***савобимдир.***

***Бутун умр шундай ўтар***
***кўнгилларим,***
***Эй, сиз менинг гулгун***
***ука-сингилларим,***
***Севги тиниқ кулгунгиздир,***
***сақланг уни,***
***Сизнинг гўзал мулкингиздир,***
***асранг уни.***

## ЕТТИ ЁШ КАТТАМАН

**(телефон орқали)**

– Алло, бу "Оила ва жамият"ми?

**– Эшитяпмиз, марҳамат, гапираверинг.**

– Исмим Дилдора. Дорихонада ишлайман. Кеча "Бешинчи фасл" деган саҳифани ўқиб қолдим. Менга ёқди. Ўзимдан етти ёш кичик Алишер деган йигит билан уч ой бўлди танишганимга. Лекин у ёшимни билмайди.

**– Айтмагансизми?**

– Йўқ, бўйим кичкина, жуссамга нисбатан анча ёш кўринаман, шекилли-да.

**– Хўш?**

– Энди уйимдагилар қирқдан ўтган, хотини билан ўғил кўрмагани учун ажрашган бир эркакка узатишмоқчи. Алишер эса мени қаттиқ яхши кўради. Нима қилай?

**– Онангиз биладими, Алишерни?**

– Йўғ-ей, қандай айтаман, ёшини эшитса, кўнмайди.

**– Алишернинг уйдагилари-чи?**

– Улар ҳам рози бўлмаса керак...

**– Унда нима қилмоқчисиз?**

– ...

**ДИЛДОРА,**
**Тошкент шаҳри.**

## ОНА СУТИ ОҒЗИДАЮ...

Яқинда юз берган бир воқеа сабабли хат ёзаяпман. Қизим Дилноза бу йил тўртинчи синфда ўқияпти. Бинойидай мактабга бориб-келиб, янги ўрганган нарсалари ҳақида менга суюниб гапириб юрган қизим бирдан ўзгариб қолди. Эрталаблари мактабга боргиси келмай, ўзини уйқуга солиб ётадиган, мени ва дадасининг турткиси билангина борадиган бўлди. Арзимаган гап учун укалари билан жанжаллашиб, йиғлаб юборади. Дилнозани алдаб-сулдаб гап нимадалигини билиб олдим. "Бешинчи синфда ўқийдиган Акмал йўлимни тўсиб, "Сени яхши кўраман", дейди. Ҳар куни синфимиз болаларидан хат бериб юборади. Ҳамма қизлар мени масхаралайди",-деди қизим ўксиб-ўксиб йиғлаб. Тўғри, болалар ўртасида бундай гап-сўзлар бўлиб туриши табиий. Ўзим ҳам бола бўлганман. Вақтида севги мактубларини олганман. Аммо бизни давримизда муҳаббат эшиги 15-16 ёшдан кейин очиларди. Бу ёшларга нима бўляпти ўзи? Ҳали ОНА, ВАТАН, НОН деган сўзларнинг муқаддаслигини тушуниб етмай, севги ҳақида ўйлаяпти?

Бу ерда бир гап бор, бунинг тагига етишим керак! Ишимдан рухсат олиб, қизим ўқийдиган мактабга бордим. Акмал исмли боланинг синф раҳбари билан ғаплашдим. Уни воқеадан хабардор қилиб, тартибга чақириб қўйишини сўрадим.Бу ишимдан ҳам кўнглим тўлмай Акмалнинг уйига бордим. Очиқ қолган дарвоза ёнида туриб қайта-қайта чақирсам ҳам ҳеч ким овоз бермади. Ортга қайтмоқчи бўлиб тургандим, қўшни аёл чиқиб: "Ичкарига кириб кичкина уйчанинг эшигини тақиллатинг Севара ўша ерда бўлади",-деди-ю, уйига кириб кетди. Иккиланибгина ҳовлига кириб, ойналарига парда тутилган эшикни очиб, ичкарига мўраладим. Қуёш нурлари тушмайдиган қилиб тўсилган уйчада иккита опа-сингил беҳаё кинони кўриб ўтиришган экан. Улар мени кўриб, қизариб-бўзариб бирданига телевизорни ўчиришди.

Қизларга ҳеч нарса демадим. Аммо оналари келгач, унга қаттиқ гапирдим. Ота уззукун ишда, она бозорда тирикчилик ташвишлари билан бўлгани учун болалар қаровсиз қолганини, ўзи гап-сўзлардан хабари йўқлигини баҳона қилди. Ўғлини тартибга чақириб қўйишини, акс ҳолда маҳалласига арз қилишимни айтиб хайрлашдим. Хайрият, ўша бола қизимни тинч қўйди. Лекин барибир бир ўй менга ҳануз тинчлик бермайди. Қаровсиз қолиб, кўнгли тусаган ишни қилаётган бундай болаларнинг эртаси нима бўлади?

**Сабоҳат ТЎЛАНОВА,**
**Бешариқ тумани**



✔ ИБРАТ

# Фатҳулла полвоннинг бойлиги

## оиласи, фарзандлари ва ниҳоят, топган обрў-эътиборидир

Фатхулла ака қишлоқни айланиб, идорага кирганида, қош қорайиб қолганди. У бугун ҳолидан хабар олганларнинг бири - уруш қатнашчиси, иккинчиси эса ногирон. Бир ёғи Тоғай бобо Ражабов ҳам Фармон бобо Нарзиев ҳам ували-жували, фарзандлари, невара-чеваралари ардоғида. Лекин бир оғиз ширин сўз иккаласигаям сув ва ҳаводек зарурлигини улар билан дардлашган одам билади. Уларни Бухоро шаҳридаги “Моҳи Хосса” сиҳатгоҳига юборишни кўнглига тугди-да, дафтарига ёзиб қўйди. Сўнг фуқаролардан тушган хатларни ўқий бошлади. Кимгадир иш топиб бериш керак. Яна биров ўғлини уйлантирмоқчи, моддий ёрдам сўраган. Эртага ўқишни битириб келган йигит тўйини бошлаб қўйибди. Маслаҳатлашиб, ёрдамлашиш шарт...

Фатхулла ака эртанги кун режаларини тузиб турганида, хонага бирин-кетин кириб келган бир гуруҳ фермерларни кўриб, кўнгли ёришиб кетди:

– Ўз оёқларинг билан келганларинг яхши бўлди-да, маслаҳатлашадиган гаплар бор,-дея уларни ёнига чорлади.

- Очиғи, биз бир-биримиз билан хабарлашиб келавердик,- дея гап бошлади “Жомард” фермер хўжалиги раиси Х.Султонов.-Бу йилги даромадимиздан нуронийларга ҳам атаганимиз бор. Шунга...

Фатхулла ака савобталаб фермерларнинг ҳолис ниятини сезиб, ич-ичидан қувонди-да, кам таъминланган оилалар рўйхатини қўлларига тутқазди.

Ҳомийлар эртаси куниёқ қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан хонадонларга бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғ-буғдой ва кийим-кечак улашиб чиқишди.

- “Бир кўнгил имората — юз Макка зиёрати” деб, бежиз айтишмаган машойихлар, - дейди суҳбатдошимиз Бухоро вилояти, Ромитан тумани “Қўрғон” қишлоқ фуқаролар йиғини “Нуронийлар” жамоатчилик маркази раиси Фатхулла Умаров. - Шундайлар борлиги учун ҳам қишлоғимиз тинч, одамларимиз аҳил, тўй, маъракаларимиз режали ўтади. Тўртта маҳаллада ўн мингдан зиёд аҳоли яшайди. Шуларнинг 427 нафари нуронийлар-фахрийлар яъни байналмилалчи ва уруш қатнашчиларидир. Байрамларда, белгили саналарда бир пиёла чойга чорлаймиз. 26, 27- мактабларда, маҳаллаларда улар билан учрашувлар ташкил қиламиз. Хотиралари, панд-насиҳатлари ёшларимиз учун ибратли.

Очиғини айтай, қишлоғимизда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Бу жойни “Анжирзор” деб аташади. Қайси ҳовлига кирманг, анжир экилган. Пишиқчилик фаслида бир кунда қишлоғимиздан олти ярим тоннагача анжир чиққан пайтлар бўлди. Ким янги ҳовли қурадиган бўлса, энг аввал анжир билан анор экади. Анорларимиз пўсти қалин ва қишда ҳам янги узилгандай туради. Энди анжирнинг хосиятини айтишим шартмасдир. Ҳатто барги ва мевасининг сутини темираткига суртилса, асар ҳам қолмайди. Анжир қоқининг сут билан қайнатилгани эса йўталга шифо. Қуритилгани... Э, узр, буёғини айтаверсам, табобатчилар мендан гина қилишмасин тағин, - дея ҳазиллашади қаҳрамонимиз.

Чекка бир қишлоқда спорт кийимларини кийиб, шошилиб кетаётган ёшларни кўриб: “Нима, туманда бирон мусобақа бормиди?” - дея сўрайман Фатхулла акадан.

“Бир йўл овқатга олиб боради, бир йўл спортга” дейилса, бизникилар ҳеч иккиланмай спортни танлашади. Ўғлим Савриддин республика кураш миллий федерациясининг туман бўлими ижрочи директори, миллий кураш бўйича спорт устаси, республика чемпиони. Олтмишта шогирди бор. Бир неча марта Осиё ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, совринлар олиб келишган. Шогирдларидан бири Халил Жумаев кураш бўйича Эронда бўлиб ўтган Халқаро беллашувда қатнашиб, бронза медалини олиб қайтди... Яна бир сирни очаколай сизга, ўзим ҳам ёшлигимда кўп кураш тушганман. Ҳалиям шаштим баланду, лекин ёшларга тенг келолмаймиз. Улар ҳақиқий маънода мустақиллик даврининг фарзандлари. Ҳамма шароит етарли. Фақат ўқиши керак, ҳалол ишлаши, яшаши керак. Авалги замонларда эди, боқимандалар, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб ётаверарди. Ҳозир-чи, илми бор, ҳунари бор одам хор бўлмайди...

Фатхулла ака куйиниб гапиряпти-ю, мен у келтираётган далил-рақамларни ўзимча таҳлил қиламан. Бир қишлоқ қиёфаси кейинги 5-6 йил орасида шунча ўзгаргани яхшиликка-да. Деярли ҳамма соҳада ўзгариш катта. Бир кўчада нечта янги машина бор, қанча қорамол, қўй-эчки дегандай, яна десангиз янги ҳовли-жой қураётганлар, дўкону фирма, кичик корхона очиб, бойиётганларни ҳам у киши фахрланиб айтаркан, бу мисоллар замирида одамларнинг ҳаёти, турмуши фаровон бўлаётгани ва ниҳоят, уларнинг дунёқарашида, маънавий оламида янгича қарашлар шаклланаётганини сезиш қийин эмас. “Энг муҳими, одамларнинг эртанги кунга ишончлари мустаҳкам”, деб қўяди Фатхулла ака.

Мен эса бу фидойи, куйинчак инсоннинг фарзандлари, ниҳоят, оиладаги суянчиғи – аёли ҳақида қўни-қўшниларидан сўрайман. Энг аввало, устоз, мураббий сифатида танилган, қолаверса, ҳам маҳалласида, ҳам қишлоғу туманида обрў қозонган ва “Энг ибратли оила” деган шарафли номга эга бўлган бу хонадон соҳибининг эллик йиллик умр йўлдоши Мастура опа ҳақида ҳам мақтовлар эшитдим. У ҳар йили 5-6 қути ипак қурти боқиб, 200 килограммдан пилла топширар экан. Саккиз нафар фарзанди ҳам ота-онасига ўхшаб, ўз меҳнатлари ортидан қадр топаётгани ҳақида илиқ гаплар айтишди кўпчилик. Хуллас, шундай инсонлар ҳақида гап кетса, уни билганлар, “бизнинг фахримиз, суянчиғимиз”, деган эътирофни бежиз айтмаслигига Фатхулла Умаров ҳаёти ва фаолияти жонли бир далилдир, десак муболаға бўлмас.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# БАХТ ЁНИНГДА




*Икки ёш қалбини ҳаяжонга солган, соф юрак қатларида бир умрга муҳрланиб қолган бахтли никоҳ дамлари ортда қолди. Энди эса сирли, аллақандай ёқимли ва шу билан бирга ўзига яраша ташвишли манзил — умр савдоси бошланди. Қонуний никоҳ эр-хотиннинг, умр йўлдоши бўлиб яшашга аҳду паймон қилганликларининг ёрлиғи, оиланинг ибтидосидир.*

Ҳар бир она қизи бўй чўзган сари бир томондан қувонса, бир томондан қалбининг қатларини ғам-ташвиш кемириб ўтиради. “Ишқилиб, қизим бахтли бўлсин-да, тагли-тугли жойга тушиб, қўшгани билан қўша қарисин-да, ували-жували бўлиб, ўзидан тинчиб кетсинда” дея хаёл суради. Яратгандан унинг бахтини, иқболини сўрайди. Доимо дуода бўлади.

Оиланинг тинчи, фароғати, тўкинлиги ва бахти кўп жиҳатдан бўлажак бекаларга боғлиқ. Энг аввало, қизингиз ўзи тушган хонадоннинг бир аъзосидай дарров киришиб кетса, куёв билан аҳил, тотув турмуш кечирса, қайнота-қайнонасининг ҳурматини жойига қўйиб, оиладаги катта-кичик билан муроса йўлини топа олса, тилини ширин, муомаласини чиройли қилса, бахт ўшанда эмасми?

**Икромхон ая ҳикояси**:

- 18 ёшга тўлгач, турмушга чиқдим, эрим билан жуда аҳил ва иноқ эдик. Қайнонам ҳам мени ўз қизидай севарди. Оиладаги катта келин эдим. Шу оилага тушган кунимдан бошлаб, ўзимни шу хонадоннинг бир аъзоси деб ҳисоблаб, ҳамма яхши-ёмон гап-сўзларга чидаш учун ҳаракат қилардим. Кеч-қурун, оила аъзолари уйқуга ётгандан кейингина кундузи улгурмаган ишларимнинг ҳаммасини бажариб, ҳовлининг ҳар томонини саранжом қилиб, кейин дам олардим. Эрталаб эса яна ҳеч ким ўрнидан турмасидан аввалроқ ҳовлини супуриб-сидириб, кўчаларга сув сепиб, дастурхон ёзиб, нонушта тайёрлардим...

...Хуллас, Оллоҳ кетма-кет фарзандлар берди, қайнонам ҳам онамдек мен билан баравар бола тарбиялашга ёрдамлашдилар. Баъзилар айтсам ишонишмайди-ю, кўпинча ўз ота-онамдан хабар олиш ҳам эсимдан чиқиб қоларди. Балки бу ҳақиқий бахтдан эсанкирашдир, балки ўз хонадонингдаги ҳузур-ҳаловатли ҳаётда меҳрибонликлар билан банд бўлиб қолишдандир.

Кунлардан бир кун онамникига борсам, отам ҳовлида хомуш ўтирибдилар. Салом-аликдан сўнг: “Қизим, узоқлашиб кетдинг, тинчликми, оиланг тинчми, уйга кир, онангни тоби йўқ”- дедилар. Шошиб уйга кирдим, онам кроватда шифтга термулиб ётибдилар, ранглари бироз оқарган, лаблари қуруқ.

—Ҳа, онажон, сизга нима бўлди?— дедим йиғлагудек бўлиб.

—Ҳечқиси йўқ, сал тобим бўлмади,— дедилар юзларимдан ўпиб ва болаларимни бирма-бир суйиб, эркалаб қўйдилар, кўзларида севинч ёшлари ҳалқаланди.

— Қачондан бери мазангиз йўқ?—деб сўрадим.

— Бир ҳафтадан ошди, қизим мана, ҳозир анча яхши бўлиб қолдим, озгина тумов бўлибман,— дедилар.

Юзлари қизариб, бошқача бўлиб қолганини сездим. Кечгача онамнинг олдида бўлиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб ўтирдим, ичимда уйдагилардан хабар олмаганимга, бир ойдан бери вақт тополмаганим учун ўзимни койидим. Ётиб қолмоқчи эдим, онам кўнмадилар: “Боравер, қизим, мана мен яхшиман, уйингдагилар хавотир олишмасин, сизлар тинч бўлсаларинг, биз ҳам тинч, қудаларимни, куёвингни сўраб қўй, — дедилар, хайрлашиб. Қадрдон уйимдан кетиб боряпману узоқ вақт келмаганимга хижолат тортаман, ҳа, онам мени бахтимдан хурсанд бўлиб, шунча пайт хабарлашмаганимга мендан хафа бўлгандай эдилар назаримда. Ўз-ўзимни йўлма-йўл койиб, ўпкам тўлиб кетди. Уйга кириб бордиму, қайнонамни кўриб, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим.

—Ҳа, тинчликми, вой ўлмасам, нега йиғлайсиз?—деб боламни қўлимдан олдилар. Мен бўлган воқеани йиғлаб-йиғлаб айтиб бердим.

У киши: “Уйда осойишталик, тинчлик бўлса ҳам баъзан шунақа ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади, майли, диққат бўлманг, энди ўзим сизни юбориб тураман, қаранг-а, менинг ҳам хаёлимга келмабдия”, - деганлар ҳамдардлик билан.

Мана, энди ўзим қудали бўлдим, набиралиман, лекин ҳалиям ота-онамнинг насиҳатларини, қайнота-қайнонамнинг, умр йўлдошимнинг меҳрибонликлари, адашсам, мулойимлик билан тўғри йўл кўрсатишларини ҳис этиб тураман.

Ёш сингилларимга, қизларимга бир неча оғиз гапим бор: ҳаёт ҳар доим ҳам бир маромда осойишталик билан кечмайди, унинг қаҳратон қиши, саратон жазирамалари, гуллаган баҳорию, хазонрез кузлари бор. Агар умримизнинг мақсад-мазмуни фақат шахсий бахтдан иборат бўлганда ёки яшаш тарзимиз, турмушимиз биргина муҳаббатда ўз ифодасини топганда эди, унда ҳаёт деганлари чиндан ҳам зулмат саҳро бўлиб қолар эди... Ҳаёт биз аёллардан жуда катта куч, сабр-тоқат, бардош, бор-йўққа кўникишликни талаб этади. Шуларни енгсаккина, бизни фидойи аёл дейишади! Шуларга чидасаккина чинакам бахтли бўламиз...”

**Икромхон аянинг сўзларини**
**Давлатёр ва Ваҳоб ҚЎЧҚОРОВлар**
**оққа кўчирди**

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ



# Гумон

## Иймондан айирмасин

... Юсуф қўлини чўнтагига суқиб кўрдию, ранги докадек оқариб кетди. Қизининг шартномасини тўлашга олиб келган пуллари ғойиб бўлганди. Миясидан яшин тезлигида ўтган фикрдан ўзини қўярга жой тополмади. Ахир, бу аёл у билан опасига бошпана берди-ку! Бу яхшилиги ва меҳмондорчилиги эвазига... Йўқ, йўқ, яхшиси индамайди. Сумкадаги йўлкира пули жойида турган бўлса бас. Ёки...

Унинг наздида кеча жуда қаттиқ сийлаган уй бекаси сира-сира фирибгарга ўхшамасди. Опаси билан бир кунлик ижара уй излаётган Юсуфнинг кўзи иттифоқо, улуғроқ ёшдаги аёлга тушди. Тиззасини сийпалаб бекатдаги ўриндикда ўтирган аёлни ва тинимсиз эълонлардан уй ахтараётган эркакни кузатиб турган опахонга яқинлашди.

– Уй излаяпсизми, иним? Опангиз кўп толиқибдиларми, деймаи.

– Невараси ўқишга кирган, қўяверинг, ўзим бориб хабар оламан десам ҳам кўнмай бирга келдилар. Меҳмонхонада жой қолмабди...

– Борадиган жойингиз бўлмаса бизникига юринг, хоналаримиз кўп, бир кеча минг кеча бўлмас...

– Қандоқ бўларкин?

– Сира хижолат бўлманг. Бунинг устига шом тушиб қолди...

Опа-ука аёлнинг ортидан эргашишди. Ҳақиқатан опанинг уйи кенггина экан. Саккиз хонадан иборат уйда анвойи гуллар ифори тутган чорроқ ҳовли, беш-олти хил мевали дарахтлар ҳам бор эди. Ўзининг айтишича, турмуш ўртоғи оламдан ўтган, ўғли билан келини ҳамда невaралари билан яшар экан. Келини елиб-югуриб чой келтирди. Бирпасдан кейин дастурхонга мазали таом тортилди. Бу оиладаги аҳиллик, ширинсуханликни кўрган меҳмонлар чарчоқларини ҳам унутиб юборишди. Уй бекаси телефонда гаплашаётганда Юсуфга опаси шипшиди:

– Шаҳарликларни меҳри қаттиқ деб эшитардим, бағри кенглари ҳам бор экан-ку!...

– Меҳмонлар эрталаб уйғонишганида ҳовлига сувлар сепилган, райҳон-жамбилларнинг иси димоқни ёрарди. Бека атиргуллар парвариши билан овора эди.

– Ўғлим, уйимизнинг икки тарафида ҳам ҳаммомимиз бор, ҳеч тортинмай кириб чиқаверинг...

У ҳаммомдан чиқиб кийимларини кияр экан, чўнтаги "бўшаб" қолганини сезиб бир аҳволга тушиб қолди. Бу ёғи неча пуллик бўлди? Минг бир машаққат билан йиғиб-тергани бир кечада... Шундай меҳмондўст аёл... Ёки?... Йўқ, йўқ... Юсуф шоша-пиша чўнтагини кавлаштирганча қотиб қолди! Ногаҳон... сафар олдидан хотини эҳтиёт шарт, деб шимининг чўнтаги ичидан яна бир чўнтак тикиб, пулни жойлаштиргани эсига тушди. У бўлса бир кеча ҳам жой, ҳам нон-туз берган шундай хокисор инсонлардан гумон қилиб ўтирибди-я! Ахир, гумон... Юсуф бир сонияда хаёллари минг бир кўчага кириб чиққан бошини чанғаллади. "Мени шайтон йўлдан урди!"

Нонуштага тортилган ошни ҳам иштаҳасиз еди. Шундай аёл ҳақида... У қаттиқ изтироб чекарди.

– Эшигимиз сизларга ҳамиша очиқ, болам. Кейинги гал меҳмонхона изламасдан тўғри бизникига келаверинг, хўпми?...

Мезбоннинг истарали чеҳраси, самимий табассуми Юсуфнинг юрагини яна бир бор қалқитиб ўтди...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи**

---

САБОҚ

# Дуода яхшилик, қарғишда эса...

Маргарита опа билан оиламизнинг анчадан буён борди-келдиси бор. Гарчи ўзбек бўлмаса-да, узоқ йиллардан буён юртимизда яшаб келаётган бу аёл меҳмоннавозлик ва лутфу назокатни ўз ўрнига қўярди. Тақдир-да, шу аёлнинг ёлғиз қизи бўлиб, ўзбек йигитига турмушга чиқди. Тўйдан сўнг ёш келин-куёв хориж сафарига отланишди. Орадан кўп вакт ўтмай, ўша ердан уй-жой олиб, ишга жойлашишгани ҳақидаги хабар тарқалди.

Шундан сўнг опа уйини сотиш тараддудига тушди. У етти хонадан иборат уйда яшар, ғаройиб картиналар эса европа услубида таъмирланган хоналарни безаб турарди. Уй анча қиммат баҳога нархланди.

Биздан узоқроқ шаҳарчада яшовчи бир тадбиркор уй сўраб келаётган мижозлар орасида омадлироқ эканми, ҳарқалай шу уйнинг соҳибига айланди. Маргарита опа эса кетишдан аввал бизникига меҳмонга келди.

– Уйни ўзингиз чамалаган нархга сотдингизми, ишқилиб? – дея сўрадилар онам гап орасида.

**Меҳмоннинг** кўзида ёш айланиб, бироздан сўнг титроқ овозда:

– Йўқ, мен беш миллионни мўлжалловдим. Аммо Акмал ( янги уй эгаси) менга уч миллион берди. "Қолганини уйнинг ҳужжатлари тўғри бўлса, оласиз", – деганди. Мен унинг лафзига ишониб, ҳамма ҳужжатларга қўл қўйибман. Шартнома имзолангач, у: "Опажон, энди уй меники, бошқа пулим йўқ", – деб туриб олса бўладими? Қаранг, лафз қилиб, энди тонди-я, ахир бу пулга хорижда қандай қилиб уй-жой оламан, опай? Жуда хафа бўлдим, буюрмасин, илоё...

– Қўйинг, айланай, сизни норози қилиб гуноҳга ботибди, – дедилар онам ҳам астойдил ачиниб.

– Эртага жўнаймиз, майли, сизгаям раҳмат, шунча йиллик нон-туз учун, – дея аввал онам, сўнг биз билан бирма-бир йиғлашиб хайрлашди...

Орадан кўп ўтмади. Акмал деганлари уйни қайтадан таъмирлади. Эшик-ромларини янгилади. Бир қаватли уй устига яна бир қават қўшилди. Ҳовлидаги гуллар қўпорилиб, ўрнини фавворалар, хушманзара гуллар эгаллади. Оддийгина эшик ўрнида баланд, нақшинкор дарвоза пайдо бўлди.

Шундан сўнг янги соҳиб ҳовли тўйига тайёргарликни бошлади. Бир кун қолганда тонг саҳарда гўё тоғ қулагандек гумбурлаган товуш эшитилди. Қўни-қўшнилар кўчага гувиллаб югуриб чиқишди. Куни кеча савлат тўкиб турган икки қаватли уй газдан ўт чиқиб, ер билан битта бўлиб, кулга айланди...

Бундан ўн йиллар илгари юз берган бу воқеани ҳар гал уйимга борганимда беихтиёр эсга оламан. Қулоғим остида эса Маргарита опанинг: "Буюрмасин, буюрмасин", деган норизо оҳангдаги ноласи эшитилаверади.

Халқимиз орасида: "Олтин олма, дуо ол", деган мақол юради. Зотан, дуода – розилик бор! Ризолик, инсофу ҳалоллик бор жойда меҳру муҳаббат илдиз отмоғига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак.

**Фарида ТОҲИРОВА**

---

ТЕСТ

# СИЗ ЁҚТИРГАН РАНГ...

*Психологлар узоқ вақтлардан бери инсоннинг бирор-бир рангни ёқтириши билан унинг характери ўртасида боғлиқлик бор ёки йўқлигини аниқлашга уриниб келишмоқда. Агар сиз қуйидаги ранглардан бирини ёқтирсангиз, ёки у сизга ёқмаса, келтириб ўтилган изоҳлар сизга мос тушар экан.*

### ҚИЗИЛ

Агар сиз қизил рангни ёқтирсангиз, ҳиссиётга берилувчан экансиз, шу боис тез ҳаяжонга тушасиз. Сизни ташқи гўзаллик, мафтункорлик ўзига жалб этади. Юзага келган вазиятга дарҳол баҳо бериб, тезда бир қарорга келиш ҳамда уни қатъий туриб ҳимоя қилиш қобилиятига эгасиз. Сиз учун энг муҳими, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, мақсадга эришишдир.

Мабодо қизил ранг сизга ёқмаса, кўнгли нозик, ҳиссиётларга берилувчи сентементал киши экансиз. Нозик ва муаммоли ҳолатлардан четда туришга зўр бериб ҳаракат қиласиз. Шунингдек, бир умр қўлдан бой берган имкониятларингизни афсус билан эслаб юрасиз.

### ЖИГАР РАНГ

Бу ранг кўнглингизга маъқул келса, сизга "ўлгудай қайсар" деган таъриф мос тушади. Умуман, сиз ҳаракатчан, интилувчан ва иродали кишисиз: жон олиб, жон бериб бўлса-да, кўзлаган мақсадингизга эришасиз.

Жигар рангни ёқтирмасангиз, бу ҳол сизнинг соғлом ақл, кенг тасаввур соҳиби эканлигингиз, ҳамда ажойиб ҳазилкашлигингиздан дарак беради. Ёлғизликка кўникишингиз жуда мушкул, шу боис яқинларингизнинг камчиликларига тишингизни тишингизга қўйиб чидайсиз.

### ЯШИЛ

Яшил рангни ёқтириш характернинг босиқлиги ва оқилликни англатади. Ёрдамингизга муҳтож бўлганларга жон-жон деб кўмак берасиз. Аммо шу билан бирга ўзингизни ёлғиз сезишингиз ҳам бор гап. Балки ҳамма гап атрофингиздагилар сизни бир қадар совуққон, деб қабул қилишларидадир?!

Агар яшил ранг сизга мутлақо ёқмаса, бу нарса сизнинг бир қадар иродасиз эканлигингизни ҳамда мушкул вазиятларда ечим топишга қийналишингизни билдиради. Лекин арзимаган нарсалар учун кўнгилни чўктирмаслик керак.

### МОВИЙ РАНГ

Мовий рангни ёқтирадиганлар бахтли оилавий ҳаётларини таъминловчи барча хусусиятларга ва имкониятларга эга бўлишади. Шунингдек, чегарадан чиқиб кетмаслик ҳам уларнинг ютуғи ҳисобланади. Сиз муносабат ва мулоқотда жуда эътиборлисиз, ҳар қандай вазиятда ён беришингиз мумкин.

Мовий рангни ётирмаслик шахснинг мақсад сари интилувчанлигидан дарак беради. Аммо характерингиздаги камчиликлар кўп ҳолларда сизга панд бериб қўяди.

### САРИҚ

Бу рангни маъқул кўриш тасаввурнинг кенглигини ҳамда фантазияга берилувчанликни билдиради. Феълингиздаги бўлар-бўлмас нарсага асабийлашиб кетишга мойилликни йўқотишингиз керак. Сизнинг ижодий қобилиятларингиз бундан-да кўпроқ нарсага эришишингиз мумкинлигидан далолат бериб турибди. Айниқса, ўзингизга мос турмуш ўртоғи учраса, ҳаммаси яхши бўлади.

Сариқ рангни ёқтирмасангиз, сиз ҳақингизда "Амалий ва барқарор ақл соҳиби", дейиш мумкин. Аммо тасаввурингизнинг торлигидан кўп бора афсус чекишингиз аниқ.

### ҚОРА

Қора рангни ёқтирасизми? Сизни бекорга енгилтакликда, шошма-шошарликда айблашади ва сизга ишончсизлик билан қарашади. Балки бунга сизнинг ҳар доим сирли кўринишга интилишингиз ёки ҳиссиётчанлигингиз сабабдир.

Қора рангни ёқтирмаслик ҳаётни, табиатни, болаларни, ҳайвонот оламини севишдан, ундан баҳра олиб яшашдан далолат беради.

### ОҚ

Агар сиз оқ рангни ижобий қабул қилсангиз, бу нарса сизнинг қобилиятли ва ҳар томонлама ривожланган шахслигингизнинг белгисидир. Атрофдагилар билан енгил мулоқотга киришиб кета оласиз. Умуман, сизнинг ижобий хислатларингиз кўп, ахир бекорга оқ ранг ўзида камалакнинг барча рангларини мужассам этмаган-да.

Одатда оқ рангни бирор-бир камчилиги бор кишиларгина ёқтиришмайди.

**ДАРМОН тайёрлади.**

**Асаб толалари бутун танамиз бўйлаб чатишиб кетган. Шу толаларнинг умумий узунлиги тахминан миллиард метрни ташкил этади, яъни, бу Ердан Ойгача бўлган масофа демакдир! Нервлар регенерация (ўз-ўзини тиклаш) қобилиятига эга, агар шундай бўлмаганида инсонлар ҳаёт зарбаларига дош беролмас эдилар. Аммо шуни унутмангки, асабий зўриқиш туфайли нобуд бўлган нерв толалари жуда секинлик билан, яъни бир кеча-кундузда тахминан бир миллиметрча тикланади. Демак, асабларни эҳтиётлаб яшашимиз керак экан...**

**Ҳис-туйғуларимиз ўта мураккаб, улар баъзан "қатъий тартиб билан чизиб қўйилган" табиатимизга, феъл-атворимизга зид келади ва руҳий оламимизни бирданига остин-устун қилиб юборади. Оқибатда, турли стресс (руҳий зўриқиш, асаб таранглашуви) ҳолатлари саломатлигимизга жиддий хавф туғдиради. Дунё психологларининг таъкидлашларича, киши асосан беш хил руҳий сабабга кўра, хасталикка учрайди. Булар хафагарчилик, айбдорлик ҳисси, қаҳр-ғазаб, инжиқлик ва умидсизликдир.**

# ЁМОН ГАПНИ ЭШИТМАНГ



## ёхуд стресс-асаб таранглашуви ҳақида нималарни биламиз?

Масалан, хафагарчилик натижасида одам ўз атрофидагилардан норози бўлади, гоҳида уларни ёмон кўриб қолади. Норозилик ҳисси кучайиши баробарида киши танасида хавфли ўсмалар ривожланиши мумкин экан. Қаҳру ғазабини кимгадир сочган одам ўзи енгиллашади, бу вақтинча, чунки ғазаб ва нафратнинг асл "уруғ"лари тананинг қайсидир қисмига ўрнашиб қолади, сўнг эса организмда турли бузилишлар келиб чиқади. Айбдорлик ҳисси туфайли руҳий мувозанат издан чиқади, шунингдек, инжиқлик танада ҳар хил оғриқларни қўзғатса, умидсизлик ҳисси кишини лоқайдлик ва дангасаликка етаклайди, бемор бора-бора тушкунликка тушиб қолишиям мумкин. Хуллас, юқоридаги бешта сабабга кўра, одамлар оғир турдаги асаб хасталикларига чалинадилар. Бу эса танадаги аъзолар ишига жиддий таъсир кўрсатади!

"Руҳни соғломлаштирмай туриб танани даволаб бўлмайди", деганида буюк табиб Суқрот минг бора ҳақ эканлигини барча кузатув ва тажрибалар исботлаётир.

### НЕВРОЗ – РУҲИЙ ХАСТАЛИК

***Тиббиёт фанлари доктори, профессор Зариф Ибодуллаевнинг илмий изоҳи:***

– Невроз касаллиги инсонга руҳий жароҳат етказувчи ташқи омил таъсирида ривожланади. Бу дард узоқ давом этади ва даволаш жараёни ҳам анча чўзилиши мумкин. Неврознинг учта тури мавжуд.

**НЕВРАСТЕНИЯ**га асаби тез-тез бузилиб турадиган кишилар дучор бўлишади. Доимий ҳиссий зўриқишлар, яқин кишиларидан айрилиш, оиладаги ва ишхонадаги келишмовчиликлар, нимадандир хавотирланиш ва қўрқув бу дардни кучайтириб боради. Неврастения бошланишида уйқу бузилиши, бош айланиши, ҳолсизлик, юракнинг гупиллаб уриши, паришонхотирлик юз беради. Агар шундай кезда бемор оилавий аҳволи ва иш шароитини яхшилашга эришса, кўнгилочар томошаларга қатнаса, кайфиятини кўтариш чораларини кўрса, бемалол соғайиб кетади.

**ИСТЕРИК НЕВРОЗ**га чалинганлар руҳан ва жисмонан заиф кишилар ҳисобланади. Улар ҳар бир нарсадан ортиқча таъсирланавeрадилар, воқеа-ҳодисаларга ҳаддан зиёд эътибор беришади, мустақил фикрлай олишмайди, ўзгаларга ортиқча ишониб юборади, тез-тез ҳаяжонланадиган бўлиб қолади. Оқибатда руҳиятнинг зўриқиши туфайли асаб тизими ишдан чиқа бошлайди.

**МИЯДАН КЕТМАЙДИГАН ФИКРЛАР** неврознинг "психоастения" тури деб ҳам аталади. Бунда бирор ёмон касалликка чалинишдан қўрқиш (канцерофобия), юрак иши ёмонлашишидан хавотирланиш (кардиофобия) ва бирор шубҳали фикрнинг миядан кетмаслиги кун сайин кучаяверади, баъзан турли қўрқув ва шубҳаланишлар беморнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мияга қуйилиб келаверади. Масалан, у мантиқ жиҳатдан бир-бирига зид ўйларга берилади, гоҳо узоқдан келаётган машина тагига ўзини ташламоқчи бўлади ва машина яқинлашгач қўрқиб, ўзини четга олади...

**МАСЛАҲАТ**имиз, ўзингизни енгишга ҳаракат қилинг, яъни мияда ўрнашган ёмон фикр-хаёллардан узоқлашинг, кунига жисмоний машқлар билан шуғулланинг, яхши ҳамсуҳбат топинг, қулай вазият туғилди дегунча ўзгалар билан мулоқотга киришинг, жамоат тадбирлари (кўргазмалар, концертлар, спорт мусобақалари)га ташриф буюринг. Саргузашт асарларни ўқиш, қизиқарли фильмларни кўриш ҳам фойда беради.

### АСАБЛАР БИЗНИ КЕЧИРМАЙДИ...

***Тиббиёт фанлари номзоди А. Усмонхўжаевнинг таҳлилий баёни:***

– Одам хасталанса, дарров шифокорга учраб, дори-дармон ёздириб олади. Ваҳоланки, ўз дардига ўзи даво топиши мумкинлиги хаёлигаям келмайди. Агар беморлар юракларини ўртаётган ғам-ташвишларни бутунлай унутиб юборишса, таналаридаги дарддан дори-дармонсиз ҳам қутулган бўлардилар. Чунки, асабнинг доимий таранг бўлиши фақат нервларга шикаст етказибгина қолмайди, балки оғир касалликларга ҳам сабабчи бўлади. Бунинг натижасида қон босими ошиши, юракнинг ишемик хасталиклари, меъда яраси, қандли диабет, мигрень ва шунга ўхшаш дардлар юзага келади. Ҳаддан зиёд толиқиш, жиззакилик, тушкунлик, хавф-хатар туйғуси, қаттиқ сиқилиш ва хавотирланавериш саломатликка жиддий зиён келтиради. Оқибатда, нафақат руҳан, балки жисман ҳам мажруҳ кишига айланамиз. "Гуноҳларимизни худо кечирар, лекин асаб тизимларимиз ҳеч қачон кечирмайди", деганида Уильям Жеймс ҳақдир!

Даволаниш Сизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Энг аввало, асабий тарангликкa сабаб бўлган ҳолатларга барҳам беринг. Балки иш жойини ўзгартиришга тўғри келар. Оилавий муросани тиклашнинг ҳам қийин жойи йўқ-ку! Буларнинг иложи топилмаса, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган тинчлантирувчи дори-дармонлар ичиб туринг. Муҳими, ҳаётга донишмандона кўз билан қаранг, ҳеч бир тўсиқни фожеа ўрнида қабул қилманг, ҳаётда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам учрайди, бироқ унутмангки, бариси ўткинчидир.

### ЭНГ БЕБАҲО ДОРИ

Японияликлар киши соғлигига зарар етказувчи стрессларни кучсизлантиришнинг учта усулини ўйлаб топишган экан. Биринчиси - кимдир сиздан жаҳли чиқса, кулиб қўйинг. Иккинчиси - кескин вазият пайтида энгашинг ва чуқур нафас олиб нафас чиқаринг. Учинчиси - кимдир сизни ҳақоратлаётганда ўзингизни эшитмаганга олинг, эътиборсиз бўлинг. Қаранг, қанчалик оддий қоидалар, лекин биз буни эплай олармикинмиз? Эплаш керак! П.Анохин: "Инсоният фавқулодда стресслар юки ортилган асрга қадам қўймоқдаки, бунга фақат ўз иродамизни чиниқтириш, эҳтиросларни бошқаришга ўрганиш ва руҳий зарбаларни енгиб ўтишга ўрганганимиздагина қарши тура оламиз", деган эди.

Айтайлик, сиз ташвишли кунларда ҳам ҳаётга жилмайиб боқа оласизми? Шундагина ҳеч бир хасталикка чалинмайсиз. Агар билсангиз, табассум энг арзон ва энг бебаҳо дори! Кулги билан даволашнинг асосчиси - америкалик журналист Норман Казинс ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ўз устида шундай тажриба ўтказди. У бир неча ой фақат кулгули комедияларни томоша қилди. "Кулгу сеанслари натижасида суякларимда пайдо бўлган оғир касалликдан қутулдим", дейди у. Буни қарангки, кейинчалик Казинс кулгу билан даволаш кафедрасини ташкил этади, эндиликда АҚШда 600дан ортиқ кулгу терапевтлари иш юритишади. Бу олимларнинг эътироф этишларича, кулгу дардни енгишда, терининг аллергик хасталикларини тузатишда айниқса, муҳим аҳамият касб этаркан. Ҳинд олимлари эса кулгу билан даволаш юзасидан изланишлар олиб бориб, бир кеча-кундуз давомида 17 дақиқа кулиш лозимлигини тавсия қилганлар. Масалан, мутахассис олим Карл Родал ўз тажрибаларига асосланиб: "Ўн дақиқалик кулгу 15 дақиқалик гимнастика ўрнини босади", деган.

Аслида биз ҳазилни тушунадиган кулгусевар миллатмиз. Машҳур кулгу дарғаси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ҳам бежизга: "Кулинг, умрингиз узоқ бўлади", демаганлар. Замонавий шифокорлар эса кулгуда ўнта тухум қуввати бор эканлигини уқтиришади. Киши табассум қилганида мушаклари бўшашади, бунинг натижасида овқат ҳазм қилиш яхшиланади, мия тўқимасининг кислород билан таъминланиши кучаяди, танамиз эса модда алмашинуви жараёнида пайдо бўлган чиқиндилардан тозаланади. Руҳият енгиллашиб, кайфият кўтарилади.

## САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

### ШАМОЛГА УЧИРИНГ ҒАМ-АНДУҲЛАРНИ

***Психология фанлари номзоди Феруза Акрамова тавсиялари:***

- Ҳаёт мураккаб, борди-ю, бирор одам сизни ёмон кўриб, сизга нисбатан салбий қувват оқимини йўналтирса, у ҳолда ўзингизни севинг, ўзингизга кучли муҳаббатингизни ҳис этиб туррарказсиз, биомайдонингиз сизни ҳимоя остига олади. Шу тарзда ўзингизни турли "тажовуз"лардан асраб қоласиз. Ўз-ўзини севиш ҳимоя биомайдонлари кенгайиши учун ташланган биринчи муҳим қадамдир.

Тавсияларимиз шуки, аввало бўлар-бўлмасга асабийлашаверманг. Ўзаро муносабатларда самимийликка, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга одатланинг. Доимо ўзингиз ёқтирган машғулот билан банд бўлинг. Ўзингизни ҳеч қачон камситманг, агар турмушингизда бўлиб ўтган нохуш воқеалар учун ўзингизни айбдор деб билсангиз, ўша воқеа иштирокчиларини ҳам, ўзингизни ҳам ич-ичдан авф этинг. Шунда енгил тортасиз. Кейин эса мана бу машқни фикран бажаринг: сиз қоқ дала ўртасида турибсиз, шамол қаттиқ эсаяпти. Эслашингиз оғир бўлган хотираларни бир жойга жамланг, сўнг уларнинг ҳаммасини шамолга "учириб" юборинг ва улар осмон бағрига сингиб бораётганини фикр кўзи билан кузатиб туринг. Хулоса қилингки, бу эзгин хотиралар энди сизни ҳеч қачон безовта қилмайди!

Яна шуни унутмангки, ҳар бир инсоннинг бемалол сирлаша оладиган яқин кишиси бўлиши керак. Борди-ю, унинг сирлари ўта махфий бўлса-ю, ўзгага айтишни лозим топмаса, кўзгудаги акси ёки бирорта сурат билан (муҳими овоз чиқариб) сўзлашиши керак. Одам шу йўл билан ўзини муқаррар фалокатдан асраб қолади.

Қадимги донишмандлар: "Бўшашиш - ҳаёт, таранглашиш - ўлим", деганлар. Демак, организмни бўшаштириш орқали саломатликни яхшилаш мумкин экан. Масалан, 1932 йилда немис олими Шульс томонидан таклиф этилган аутоген машқлар асаб тизимининг таранглашуви билан боғлиқ бўлган қўрқув, ғазаб, тушкунлик ва уйқу бузилишини бартараф этишда айниқса қўл келади. Бунинг учун кунига икки-уч маҳал тинч шароитда бўшаштириш формуласини хаёлан такрорлаш керак. Яъни: "Мен мутлақо тинчман, нафас олишим бир маромда, бутун танам куч-қувватга тўлаяпти, фикрларим тиниқ, мушакларим енгил", деган сўзлар камида олти мартадан такрорланади. Киши учун энг муҳими, аутоген машқларнинг соғломлаштирувчи таъсирига ишонч билан қарашидир! Бундан ташқари, Қуръони Карим оятларини чин дилдан такрор-такрор айтиш ҳам инсон танасини бўшаштиради, бундай дуолар саломатликка ижобий таъсир кўрсатиб, киши умрини узайтиради.

### ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ШОШИЛСАК...

Стресс зарбаларидан омон қолиш учун бир нечта оддий қоидаларга амал қилсак кифоя экан. Аввало ўзгаларга меҳр кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Ён-атрофимизда соғлом психологик иқлим яратишимиз лозим. Бошқаларнинг бахтли бўлишига кўмаклашсак, ўзимизни ҳам бахтиёр ҳис этамиз. Шундагина бизни нохушликлардан ҳимояловчи ижобий биомайдонимиз тобора кенгая боради. Руҳшунос олим Ф.Гаазнинг ёзувлари орасида: "Одамлар, яхшилик қилишга шошилинг!" деган сўзлар кўп учраркан. Муҳими, қийин вазиятларда сабрли бўлиб, ўз-ўзимизга ёрдам беришимиз зарур. Шунда ҳаммаси жойига тушади.

**Саҳифани Гулчеҳра ЖАМИЛОВА тайёрлади.**

✓ ДЕТЕКТИВ ҚИССА

# Ўзганинг Бахти

*Хидирали ПАНЖИЕВ*



(Боши ўтган сонда)

- Нима дейсан? – деди у Сардорга юзланиб.

– Танишиб қўй, – деди Сардор кўзлари билан укасига имо қилиб. – Укам Элдор. Кеча армиядан келди. Қара, кичик сержант.

– Э-э-э...- Маҳаматнинг юзи ёришди. – Элдоржон! Сизмисиз? Акангиз ҳар куни таърифингизни келтириб мақтарди... “Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал”, дейдилар. Буни қаранг... Учрашганимизни қаранг-а! – У шундай дея кафтлари йиртиқ-ямоқ бўлиб кетган қўлини чўзди: – Маҳамат!

– Элдор!

Маҳамат улфати одам чиқиб қолди. Ака-укани алоҳида хонага бошлаб кирди. Бу ерда ҳам телевизор, радиоаппаратларнинг “ичак-чавоқ”лари уюлиб ётар, синган, қийшайган экранлар устидан қалин-қалин чанг қоплаб ётарди.

Маҳамат мезбонларга хос самимият, очиқ кўнгиллик қилди. Қаердандир узун, гулдор рюмка топди. Ҳаворангли сейфни очиб, ичидан озгина ичилган ароқ шишасини олди. Музлатгичдан уч-тўрт тўғрамли қази-қарта солинган ликопча чиқарди.

– Қани, – деди у тўла қадаҳларни қўлга оларкан. – Мана шу қадаҳни кечагина армиядан келиб, мустақил ҳаёт бўсағасида турган Сардор дўстимнинг укаси Элдоржон учун оламиз.

Сардор гапиришга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, укаси гапни бўлди.

– Бу ерда ароқ ичиб ўтиргандан кўра, ташқарида навбат кутиб ўтирганларнинг ҳожатини чиқарсанглар яхшимасми?! – дея танбеҳ берди Элдор.

– Э-э, бу гапни қўйсанг-чи, ука... – деди Сардор озорланиб. – Иш деганларининг “ота-бобоси” азал-азалдан битмай келган!

Маҳамат бу гапга мириқиб кулди. Сардор унга жўр бўлди:

– Вей, бунга-чи... – деди Маҳамат кулгудан ёшланган кўзларини даструмоли билан артиб. – Анови Қобил эзма бор-у, ўша дуч келган кўринади-а!

– Билмадим, – деди Элдор эзгин кайфиятда. - Эшик олдида “Телевизоримни тезроқ тузатишса яхши бўларди”, деб қолди бир одам. Омонат гапни: айтдим-да сизларга...

Иккаласи яна нималардир деб ҳалиги мижозни масхаралашди. Уларга гап уқтириш бефойда эканлигини сезиб, лом-мим демади.

* * *

Элдор хиёл ширакайф бўлиб қайтганида кун пешиндан оққанди. “Менга нима бўляпти? – дея ўзини ўзи тафтиш эта бошлади. – Кечагина ўзимга ўзим сўз бермаганмидим... Нега унда Маҳамат ароқ узатганида ичдим. Бир эмас... Икки эмас... Тўртта қадаҳ... Ичмасам бўларди. Бекор қилдим. Гавҳар кўрса... йўғ-эй, кеннойим кўрса қандай хаёлга боради?!”

Дарвозадан кирди. Оёқлари ўзига бўйсунмаган ҳолда гандираклаб кетди. Боягина тандирдан нонни узиб, юзи иссиқдан бўғриқиб кетган Гавҳар қайинукасига тескари бурилиб, гўдагига кўкрак тутиб ўтирарди. Элдор гимнастёркасининг тугмаларини бўшатиб, тили ғўлдираганича салом берди. Гавҳар номаълум нуқтага тикилганча алик олди.

– ...Бундай юргандан кўра... – Гавҳар ҳамон Элдорга қарагиси йўқ эди. – Онангизнинг қабрини зиёрат қилиб келсангиз бўлармиди?!

“...Бугун бормоқчи эдим, жиндай ичиб қўйдим”, дейишга истиҳола қилди. Юзи чидамади.

Гавҳарнинг овозида алланечук ғамгузорлик сезилди:

– Онангиз акангиздан ҳам сизни кўпроқ яхши кўраркан. Жони узилаётган маҳали бир калимани, бир сизнинг исмингизни такрорлади, холам шўрлик...

У шундай дея пастки лабини тишлади. Йиғлаб юбормаслик учун шундай қилди, шекилли.

Ўртадаги жимлик узоққа чўзилмади. Даранглаб эшик очилди. Остонада Элдорнинг кичик холаси Ҳуринисо кўринди. У олтмишлардан ошган, доим адрас кўйлак-лозим кийиб юрадиган, юзининг ўнг томонида нўхатдек бўртиқ холи бор, қўлидан елпиғич тушмайдиган кайвони аёл эди. Ёнида қўлини оғзига солиб, сўриб юришни канда қилмайдиган рангпаргина бола. Набираси бўлса керак.

Ҳуринисо жияни билан йиғлаб кўришди. Марҳума опаси ёдига тушиб кетгандир, балки Гавҳар боласини бир четга ётқизиб кўрпача солди. Апил-тапил у-бу нарсаларни йиғиштиришга тушди. Меҳмон набираси билан тўрга чиққач:

– Ҳай, келин, ўтирмайсизми? – деди.

Холасининг буйруқ оҳангдаги гапи Гавҳардан кўра, Элдорга сал оғир ботди. Сездиргиси келмади.

Гавҳар пойгакда ўтирди. Фотиҳа тортилди. Пана-пастқамда сичқон овлай олмай хуноб бўлиб ўтирган мушукдан тортиб, сигир-бузоққача сўраб-суриштирилди.

– Ҳа-а-а... Онангдан ажраб қолдик, жиян, – деди Ҳуринисо жиянига дардкаш нигоҳ ташлаб. - Энди оғзи ошга етганида, боши тошга тегди... Роҳатларингни кўрмай кетди, опам...

Элдор сукут сақлади. Гавҳар узр сўраб, чой-пойга уннади. Ўзи билан қорни тўйиб уйқу элита бошлаган ўғилчасини ҳам ола кетди.

– Хў-пп, – деди Ҳуринисо кайвони аёлларга хос салобат билан. – Мана, армияни ҳам битирдинг, энди нима қилмоқчисан?

– Ўқишга кирсамми, деб турибман, – дея минғирлади Элдор.

Жияннинг жавоби холага маъқул келмади, қошлари чимирилди.

– Ўқийман, десанг, ўқиш қочмас, аввал уйлан... – деди Ҳуринисо.

Элдор яна сукутга чўмди. Кўзлари билан ер чизди.

– ...Қиз қидириб оввора бўлиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, – дея кўзларида шўх ифода ўйнади холанинг. – Ўзимизнинг қариндошларда ҳам тиқилиб ётибди... Ҳа, айтганча, Нозимани кўрдингми?

– Йўқ...

– Саккизта жойдан совчи келди, - дея илмоқли оҳангда жиянига секин қараб қўйди.

Нозима холасининг қизи. Элдорнинг назарида яқин қариндош. Лекин кўнглида унга нисбатан бирон туйғу, очиғи уйғонмаган. Хола бўлса ҳамон қизини мақташ билан овора.

– Бу йил Худо хоҳласа ўқишга киритмоқчиман. Кеннойиларига қўшилиб, тикувчиликниям ўрганиб олди. Бинойидек кашталар тикади ҳозир.

Элдор толиқди. Қулоғига гап кирмай қолди. Бу орада холанинг ташқарига ўйнаб келгани чиққан набираси йиғлаб келди.

– Анови... – бола азбаройи йиғи зўридан ҳиқиллади. – Анови маҳалладан келган болалар менга “алкашнинг қариндоши”, деди.

Элдорнинг юзига қон тепди. Жойидан сакраб турганини ҳам сезмай қолди.

– Қани менга кўрсат ўшаларни... – деди у айвонга бир-икки қадамда етиб оларкан. – Уларга алкаш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман!

У ташқарига отилиб чиқмоқчи, оғзига кучи етмаган болакайларнинг додини бермоқчи эди. Бироқ билагидан беихтиёр тутган қўл тафтидан ўзига келди.

– Кераги йўқ... – Гавҳарнинг овози бўғилди. - Ўша болалар акангизнинг кўча-кўйда лойга беланиб ётганини кўришган-да...

Элдор кеннойисига тик боққан кўйи тошдек қотди. Дарвоқе, бу қўллар... Гавҳарнинг қўллари... У бир пайтлар оппоқ, нозик эди. Аллақандай тафт сезиларди. Энди эса...

Гавҳар шу қўллари билан икки йил олдин Элдорнинг кўксига бошини қўйиб: “Энди нима қиламиз?” дея энтиккан эди. Ўшанда уларнинг ўртасидаги масофа нақадар яқин эди. Энди ўрталаридаги масофа нақадар узоқ...

* * *

Кеч тушди. Гавҳар ҳовлига ҳалқоблаб сув сепди. Унинг челак тутган қўллари, тошдан йўнилган санамдек нозик жуссаси, бир маромдаги маъюс хатти-ҳаракатлари кишида аллақандай хайрихоҳлик туйғусини аланга олдирарди. Нимадир эсига тушди, шекилли, челакни четроққа қўйиб, қўлларини артди. Кейин минг бир истиҳола билан эшикдан мўралади. Элдор ухлаб ётарди. Гавҳар қаттиқроқ томоқ қирди. Элдор кўзини ғира-шира очиб, ёстиқдан бош кўтарди.

– Туринг, кеч тушганда ухлаб бўлмайди...

– Биламан... – деди Элдор тамшаниб, – озроқ ухласамми дегандим...

– Ухлаб бўлмайди, дедим-ку...

– Ҳа, майли, тураман... Холам қани?

– Ош-овқатни еб бўлгач, кетишди.... Сиздан дили оғриган кўринади.

– Нега?

– Билмасам...

Гавҳар: “...Нозимани олишга рўйхушлик бермадингиз”, демоқчи бўлди. Тилини тишлади. Ўзини зўрға тийди. Ажаб! Айни лаҳзаларда унинг юрагида рашкка, қизғанишга ўхшаган ўт-олов ҳиссиёт неча минг йиллардан бери мудраб ётган, энди эса секин-аста бош кўтараётган вулқондек кўпириб, отилмоққа шайланаётганди.

– ...Айтгандек, – деди ийманибгина. – Акангиздан дарак бўлмаяпти. Яна ичиб қолиб кетганми, дейман-да...

Элдор кеннойисининг кўзларида яна дардли мунгни кўрди.

– Ҳозир юз-қўлимни ювай, ишхонасига бориб келарман...

У юз-қўлини совуқ сувга ювиб, кетишга чоғланди. Ичкарида Гавҳар боласини бешикдан ечиб олаётганди. У оналикнинг бор меҳрини, қўрини бериб, боласини эркалатар, гўдак руҳиятига мос сўзларни топиб айтарди. Элдор ҳаммасини эшитди. Ва...

(Давоми бор)

---

# Чин дардкашим

Биламан, ҳаётда инсон учун азиз ва қадрли бўлган бойликлар кўп. Ота-она, фарзандлар, меҳрибон кишилар...Лекин биз учун моддий бўлган қимматли бойликлар ҳам борки, уларсиз ҳаёт тўкис бўлмайди. Масалан, шахсан мен учун китоб, газета худди ана шундай қадрга эга. Гоҳи жиддий ва мулоҳазали мавзуларга ўз муносабатимни ёзганларим чиқиб қолса борми, шу куни мен учун байрам бўлади! Уйдагилар, қадрдон дардкашларим табриклашади. Бу қувончни тасвирлаб беролмайман. Бу йил ҳам пенсиямни тўплаб, «Оила ва жамият»га обуна бўлдим.

Ҳозир эса... хаста бўлишимга қарамай, яшаш учун курашаяпман. Ишонасизми, турли оғриқли уколлардан сўнг қўлимга севимли газетамни оламан. У менинг руҳимни кўтариб, юрагимга қувват беради, ҳаёт кўзимга янада гўзалроқ кўрина бошлайди. Ҳатто оёқларим ўзимга бўйсунмай қолган бўлсада, умид билан яшаяпман. Хотиралар ёзаяпман. Насиб этса, тузалиб олай, менга далда бераётган, дардкаш газетам ўқувчилари учун айтадиган бир дунё гапларим бор.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,**
**Тошкент шаҳри.**

✓ МУХЛИС ФИКРИ

# Бир қўзининг ярим пули

## *ёки уйдаги қимматли бойлик*

Мен “Оила ва жамият”да 1988 йилдан бошлаб ўз мақолаларим билан қатнашиб келаман ва чоп этилганларини алоҳида, альбом қилиб қўйганман. Ҳар йили битта қўзининг ярим пулига ҳам ўзим, ҳам уйдагиларим учун нондек азиз бўлиб қолган қадрдон газетамга бир йилга обуна бўламан.

Бизнинг Нуробод туманимиз марказида бешта матбуот дўкони бор. Суриштирсам, ҳар бирида ҳафтада олти донадан газета сотиларкан. 19 декабрь куни қизиқиб, барча дўконларни кўздан кечирдим. Лекин бирортасидан ҳам бу нашрни тополмадим, ҳаммаси сотилиб кетибди. Обуна бўлганим эса менга фойда берди, уйимга беминнат почтачилар олиб келиб беришади.

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти, Нуробод тумани.**

# Хушрўйлик



*- Қиш фаслининг қорли, аёзли ҳавоси юз терисига тез таъсир қилади. Айниқса, териси нозик аёлар юз парваришига эътиборли бўлиши зарур, - дейди косметолог Фариза ГАСАНОВА.*

**Пардоз устасининг қуйидаги маслаҳатларига амал қилган ҳолда муолажа ва ўзингиз тайёрласангиз бўладиган ниқоблардан қунт билан фойдалансангиз ҳамиша гўзал ва жозибали бўласиз.**

### *ЮЗИМ МАЙИН БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ*

Аввало, дармондориларга бой бўлган таомлар истеъмол қиладиган, соғлом, ҳаракатчан, қоматини тик тутиб юрадиган, бўлар-бўлмасга асабийлашмайдиган, тишлари дурдай аёлнинг юзи табиий майин, гўзал бўлишини унутмаслик керак.

Бу фаслда юз териси қуруқшаб, совуқ таъсир қилмаслиги учун доимий парвариш қилинади. Эрталаб кўчага чиқиш олдидан юзни ювиш ёки крем суртиш тавсия этилмайди. Чунки энг ёғли крем таркибида ҳам камида 25 фоиз сув бўлади. Акс ҳолда намланган терига совуқ таъсир қилиб, аста-секин юз майинлигини йўқотади. Юз териси нозик аёллар озиқлантирувчи кремлардан фақат кечқурун эмас, кундузи ҳам фойдаланиши зарур. Кечки пайт юзни сметана, сут, зайтун ёғи билан тозалаш мумкин. Ёки қаймоқли, сутли, асалли тозалаш воситалари ишлатилади.

Фаслга қараб юзга қўйиладиган ниқоблар ҳам ўзгаради. Таркибида ёғ, творог ва дармондориларга бой бўлган ниқоблардан фойдаланилади. Таркибидаги суюқликнинг ҳам аҳамияти бор, шунинг учун ниқоб тайёрлашда шарбатлар, кунгабоқар, бодом, зайтун ёғи, сут, қаймоқ ишлатилади.

Қишда фақат териси қуруқ юзлар эмас, балки териси ёғли юзлар ҳам доимий парваришга муҳтож бўлади. Ёғли юз эгалари озиқлантирувчи ва юмшатувчи ниқоблардан фойдаланганни маъқул. Кўпроқ очиқ ҳавода ишловчи аёллар юзига таркибида сув бўлмаган ўрдак ёғи суртиши мумкин. Қаҳратон совуқ бўлмаса ҳам айрим аёлларнинг юз терисининг баъзи жойлари сезувчанлигини йўқотиб, оқариб қолса комфор спирти ёки бирон хил ўсимлик ёғи суртилади. Ўша жой қизғиш тус олса балиқ ёғи суртиш фойдали.

**СУТЛИ ВА АСАЛЛИ НИҚОБ.** 1 Ош қошиқ асал ва бир ош қошиқ сут яхшилаб аралаштирилади. Аралашма юзга текис суртилиб, қуригунча туради. Аввал илиқ сувда, сўнг совуқ сувда юз ювилади. Бу ниқоб қуруқшаган юзга жуда фойдали.

**БОДОМЛИ НИҚОБ.** Чақиб, ҳавончада майдаланган бир чой қошиқ бодомга бир чой қошиқ қаймоқ яхшилаб аралаштирилади. Ниқоб юзга 20-25 дақиқа давомида қўйилади. Сўнг илиқ сувда ювилади. Бодомли ниқоб ёғли ва Е витаминга бой бўлгани учун юзни майинлаштиради, озиқлантиради.

**САБЗИЛИ НИҚОБ.** 1 чой қошиқ творог, 1 чой қошиқ қаймоқни сабзи сувига аралаштириб, юзга текис қилиб суртилади. 10 дақиқадан сўнг юз илиқ сувда ювилади.

**МАЙОНЕЗЛИ НИҚОБ.** 1 та тухум сариғи ва озроқ зайтун ёғи керак бўлади. Пахта билан юзга зайтун ёғи текис суртилади. Тухум сариғи бармоқ учида юзга суртила бошлайди. Тухум сариғи ёғ билан аралашиб, оқ рангга, худди майонезга ўхшаш ҳолга айланади. Ниқоб 20 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювилади. Бу ниқоб юзни юмшатади ва майинлаштиради.

**ҚУРИТИЛГАН ЎТЛИ НИҚОБ.** 1 стакан сутга 2 чой қошиқ арғувон дарахтининг гули (липа), 2 чой қошиқ тоғ ялпизи (шалфей) солиб, 5-10 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Сўнг идишнинг қопқоғи ёпилиб 5 дақиқа тиндирилади. Сувини сузиб, юзга текис чаплаб, қуригач, ювмасдан ёғли крем суртиб, устидан илиқлигида ўсимлик қуйқаси юзга қўйилади. 10-15 дақиқадан кейин пахта билан артилади ва юзга озиқлантирувчи крем суртилади. Бу ниқоб юз терисини юмшатади, озиқлантиради.

**ТУХУМЛИ НИҚОБ.** 1 та аралаштирилган тухум сариғига 1 чой қошиқ мева ёки сабзавот шарбати, 1 чой қошиқ ўсимлик ёғи аралаштириб, охирида 1 чой қошиқ сметана ҳам қўшилади. Ниқоб қуюқроқ бўлиши учун озгина қора нон талқони аралаштирилади. Сўнг юзга 20 дақиқа давомида қўйиб, кейин илиқ сув билан ювилади. Бу ниқоб қуруқ юзга жуда фойдали.

Ниқобларни қўйишдан олдин ва кейин юзингизга ёқадиган озиқлантирувчи кремдан озгина суртишни унутманг.

### *ЧЕҲРАНГИЗГА ҚОШИНГИЗ ЯРАШСИН*

Ҳар бир аёл ўзининг юз тузилишига эътибор берган ҳолда қошига шакл беради. Табиат уларни чеҳрасига мос қош, киприк билан сийлаган. Қошнинг асосий йўналишини ўзгартиришга ҳаракат қилманг. Қалин қош жуда ингичка терилса, узун кўриниб, чеҳрангиз чарчагандай, хафа бўлгандай кўринади. Унинг устки томонини камроқ терса ҳам бўлади. Тергандан сўнг камида ярим соат дам олган яхши. Қошга шакл беришда косметолог билан албатта маслаҳатлашган маъқул.

### *ҚЎЛ ТЕРИСИ ҲАМ НОЗИК*

Қорли, аёзли ҳавода қўлларига қўлқоп киймаган аёллар қўл териси майинлигини йўқотганини сезмай ҳам қолади. Бундай қўллар бора-бора шамолга, совуқ сувга таъсирчан бўлади. Кун бўйи қанча-қанча юмушларни бажарган қўлларни кечқурун ётишдан олдин тозалаб ювиб, озиқлантирувчи крем суртишни унутмаслик керак. Озиқлантирувчи кремни уй шароитида ўзингиз тайёрласангиз бўлади. Бунинг учун 1 чой қошиқ глицерин, 1 чой қошиқ қайнаган сув (илиқ ҳолида) ва 1 чой қошиқ лимон шарбати олинади. Буларни яхшилаб аралаштириб, қўлга суртилади. 2-3 дақиқадан сўнг илиқ сувда қўллар ювилиб, сочиқ билан босиб-босиб артилади. Бу муолажани тез-тез қўллаб турсангиз қўлингиз майин бўлади.

**Тамара ХУММАМАТОВА тайёрлади.**

---

*БИЛАСИЗМИ?*



## Кимгадир ёқасиз, кимгадир...

***Қуйидаги фикрни маъқулласангиз "Ҳа", маъқулламасангиз "Йўқ" деб жавоб беринг. Шунда атрофдагиларнинг сизга бўлган муносабатини билиб оласиз.***

***1.*** Кун давомида мулоқотда бўладиган кишиларингиз сизга баҳо беришларини ҳар доим ёдингизда тутасиз.

***2.*** Дўстлари билан, уларга ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъий назар, ўз қизиқишларини муҳокама қилиш учун одамда етарли даражада мустақил фикр бўлиши керак.

***3.*** Сизни нимадир ўзига қаттиқ жалб эттан пайтларда ҳам ўзингизни йўқотмаслик қобилиятига эгасиз.

***4.*** Агар инсон суҳбатдошларининг нутқида камчилик ва хатоларни сезиб қолса, уларни тўғрилаши керак.

***5.*** Нотаниш кишилар билан суҳбатлашиб қолганда уларда яхши таассурот қолдириш учун ақлли, хушмуомала ва ёқимтой бўлишга ҳаракат қиласиз.

***6.*** Сизни нотаниш киши билан таништиришаётганда унинг исмини яхши эшитмай қолдингиз. Шунда ундан исмини қайта айтишини сўрайсиз.

***7.*** Ўзгаларнинг устингиздан кулишларига йўл қўймаслиги учун сизни ҳурмат қилишларига ишончингиз комил.

***8.*** Атрофингиздагилар устингиздан кулмаслиги учун ҳар доим жиддий бўлишингиз керак.

***9.*** Агар сиз ақлли киши билан суҳбатлашиб қолсангиз, ўзингизни ундан ақллироқ қилиб кўрсатишга уринмай, унга тан бериб қўя қоласиз.

***10.*** Ҳар бир одам ўзининг хатти-ҳаракати, ўзи ўтирган давранинг кайфиятига мос бўлишига ҳаракат қилиши керак.

***11.*** Бир куни дўстларингиз сизга ёрдам қўлини чўзишлари учун ўзингиз ҳам уларга зарур пайтда ёрдам беришингиз керак.

***12.*** Бошқаларга керагидан ортиқ кўмак бериш тўғри эмас, чунки барибир кўпчилик бунинг қадрига етмайди.

***13.*** Ўзингизнинг бошқаларга эмас, балки ўзгаларнинг сизга қарам бўлишини ёқтирасиз.

***14.*** Ҳақиқий дўст ҳар доим дўстларига ёрдам беришга ҳаракат қилади.

***15.*** Инсон бошқалар муносиб баҳо беришлари учун ўзининг яхши хислат ва фазилатларини кўз-кўз қилиб туриши керак.

***16.*** Агар даврада сиз эшитган латифани айта бошлашса, сўзловчининг гапини бўласиз.

***17.*** Агар даврада сиз эшитган латифани айта бошлашса, худди биринчи марта эшитаётгандек мириқиб куласиз.

***18.*** Дўстингиз (дугонангиз) сизни меҳмонга чақирган куни киного боргингиз келиб қолди. Уни хафа қилмаслик учун бошингиз оғриётганини баҳона қиласиз ёки бошқа сабаб топиб меҳмондорчиликка бормайсиз.

***19.*** Ҳақиқий дўст ўз яқинларидан ҳар доим, ҳатто бу нарса уларга ёқмаса ҳам, ўзларини яхши томондан намоён этишларини талаб қилади.

***20.*** Одам ҳар доим бошқалар ўзгача фикр билдирганда зўр бериб ўз қарашларини ҳимоя қилавериши шарт эмас.

***Энди натижаларни ҳисоблаб чиқиш керак: агар 6, 13, 14 ва 20 фикрларга "Ҳа" деб жавоб берган бўлсангиз, 5 баллдан қўйинг; бошқа барча фикрларга "Йўқ" деган жавоб учун 5 баллдан қўйилади.***

***85–100 балл:*** атрофингиздагиларнинг сизга баҳоси "аъло";

***75–80 балл:*** баҳоингиз "яхши";

***65–70 балл:*** атрофингиздагиларнинг сизга баҳоси "қониқарли";

***0–60 балл:*** баҳоингиз "ёмон".

**ДАРМОН тайёрлади.**

---

*ТАШАККУР*

# НАЖОТ МАЛИКАСИ

***Қай бир маҳаллада, қишлоғу овулда битта ҳамшира ёки шифокор бўлса ҳамманинг кўнгли хотиржам бўлади. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, деганларидек, тундами вақт-бевақт ишингиз тушиб борсангиз, улар ҳамма юмушларини ташлаб бўлсаям, дарҳол ёрдамга шошиладилар.***

***Самарқанд вилояти, Нарпай тумани Марказий шифохонасининг гинекология бўлими катта ҳамшираси Моҳира Рўзимуҳаммедова ҳақида гап кетса, кўпчилик "нимасини айтасиз, бу қизимиз ҳақиқий нажот маликасига ўхшайди. Илоё, умри узоқ бўлсин. Каттани катта, кичикни кичик демай, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмай беминнат, чин дилдан кўмаклашади", дея унга раҳматлар айтишдан чарчамайди.***

**София НАЗАРОВА.**
**Суратни муаллиф олган**



МОЗИЙ

# Ўзимизнинг тақвимлар

***Қадимдан маълумки, одамзотнинг оловни кашф этиши унинг ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб юборган. Ана шундай кашфиётлардан бири - вақт ўлчов бирликларининг ихтиро қилинишидир. Бундан бир неча минг йиллар олдин одамлар вақтнинг тўхтовсиз ҳаракатда эканлиги ва табиат ҳодисалари маълум бир муддатда такрорланиб туришини англаб етган. Аста-секин вақт ўлчов бирликлари яратила бошлайди. Фанда дунёнинг энг биринчи тақвими милоддан аввалги тўртинчи минг йилликда Мисрда яратилган деб қабул қилинган. У Нилнинг бир тошишидан иккинчи бор тошишигача бўлган муддатни ўз ичига олган. (Кейинчалик Сотис юлдузи чиққан куни Нил тошаётгани маълум бўлади.) Лекин Миср тақвими ҳозирда фойдаланилаётган календарь каби аниқ бўлган эмас. Бундан кейинги тақвимлар ҳам турли-туман: бири ўн ойдан, иккинчиси ўн икки ойдан, учинчиси ўн уч ойдан ташкил топган эди. Айрим тақвимларга қуёшнинг, айримларига ойнинг ҳаракати асос қилиб олинган.***



### БИЗДА ЭСА...

Инсонлар ўзларича "кашф" этган илк вақт ўлчов бирликларидан бири "КУН". У қуёш (кун)нинг чиқиб боргунича бўлган вақтни ўз ичига олган. Кун сўзининг омонимлиги ҳам шундан. (Кун - вақт ўлчов бирлиги. Кун - қуёш). Ўзбекларда дастлаб ой (вақт ўлчов бирлиги) ернинг табиий йўлдошига қараб аниқланган. Шунинг учун Ер табиий йўлдошининг номи ҳам "Ой", унинг бир ҳилол ҳолида кўриниш берганидан, иккинчи чиққунигача кетган муддат ҳам "ой" дея аталади.

Аслида, Мисрнинг қадимий тақвими билан бўйлашадиган тақвимлар бизда ҳам бўлган. Фақат бироз бошқача кўринишда.

### ЙИГИРМА МИНГ ЙИЛЛИК ТАҚВИМ

XXI асрда яшаяпмиз, худди Ер юзида кашф қиладиган нарсанинг ўзи қолмагандек, одам оёғи етмаган жой йўқдек гўё. Юртимизда эса барча қадимий манзиллар ўтган асрда ўрганиб бўлинган, бугунги олимларга иш ҳам қолмагандек эди. Лекин бундай таассуротимизни кейинги йилларда очилган баъзи тарихий кашфиётлар "бузиб" қўйди. Ахир, ҳали тоғу тошларимиз ўз бағрида не-не сир-асрорларни яшириб ётибди.

2001 йилда олимлар Китоб шаҳридан 25 км. шимоли-ғарбдаги Оёқчисой водийсида қояларга, ғор деворларига қадим замонларда чизилган расмларга дуч келди. Унга яқин бўлган Сийпантош манзилида эса тўқ қора, яшил, сариқ, жигарранг бўёқлар билан ишланган турли геометрик шакллар бор эди. Деворда 28 ва 29 та чизиқлар ҳам ифодаланган эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу қамарий ҳисоб бўйича ой кунларини билдиради. Хоч белгиси эса қадимги маданиятимизда қуёшни англатган. Тўртта учбурчакка бўлинган квадрат эса кўпгина халқларда коинот рамзидир. Ромблардан иборат занжир яхши сақланмаган, лекин ромбларнинг 12 ва 13 та эканидан кўриниб турибдики, у йил таркибидаги ойлар сонини ифодалайди. Сийпантош манзилини ўрганган археолог олим Рустам Сулаймонов қадамжо тарихини 10-20 минг йил илгаридан белгилайди. Маълумотларга қараганда, юртимизда 150 атрофида қоятош суратлари манзили мавжуд. Лекин фақат Зараутсойда бўёқ билан ишланган суратлар учрарди. Сийпантошдаги ноёб топилма нафақат юртимиздаги рангли петроглифлар манзили сонини яна биттага кўпайтиради, балки бундан ўн минг йиллар олдин аждодларимиз кун - ой - йил ҳисобидан хабардор бўлишганини исботлайди...

### ҚАДИМГИ ТОШ ЧИЗИЛМАЛАР



Фарғона водийсида жойлашган Саймалитош қоятош суратлари манзилида ғаройиб суратлар учрайди. Улар кўринишидан қуёшнинг оддий чизмасини эслатади. "Қуёшча"дан 12 та бир хил узунликдаги нур таралиб турибди. Булардан ташқари, бошқалардан узунроқ учи айри шаклида ўн учинчи чизиқ ҳам тортилган. Мазкур чизмалар фанда 4-5 минг йиллик тарихга эга деб қаралади. Олимларнинг фикрича, бундай тасвирлар ўша даврда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида тақвим ролини ўйнаган. Яна бир чизмада "нур"лар сони 28 (29) та. Айлана ичида кичикроқ одатий ўн учталик "қуёшча". Маълумки, қамарий йил 354 кун, шамсий йил эса 365(6) кундан иборат. Орадаги фарқ уч йилда бир ойга тенг бўлади. Шу боис ҳар учинчи йил 13 ойлик келган. Шундан келиб чиқиб, ички "қуёшча"даги ўн учинчи нур нега чизилганини изоҳлаш мумкин. Аждодларимиз бу оралиқ фарқни сезишган ва йил ҳисобига ўн учинчи ой қилиб киргизишган бўлса керак.

Кўҳна тош чизмалар мажмуасининг яна бир эътиборини тортадиган жиҳати, йигирма саккизталик катта тасвирнинг айри оёқчаси Шарққа қараб чиқарилганидир(1). Қўшчининг сурати билан бирга чизилган "қўёшча"ларнинг айри нури шимоли-шарқ томонга қараб тортилган. Айлана ичи бўш қолдирилган (2). Ўртасида қўшув белгиси шаклида чизма бўлган суратларда эса оёқча шимолга қараб турибди (3). Мазкур уч суратда даврий кетма-кетликни кузатиш мумкин. 1. ЙИЛБОШИ. 2. НАВРЎЗ сайилларидан кейин бошланадиган баҳорги деҳқончилик юмушлари даври. 3. ЁЗДАГИ ЭНГ УЗУН КУН. Айнан учинчи чизма бўйича бундай тўхтамга келишимизга сабаб, юқорида айтилганидек, қадимда аждодларимиз қуёшни ифодалаш учун айлана ичига "+" белгисини чизишган.

### ЯНА ТОШЛАР... ҲУТТОШ, ҚАНТАРТОШ

Жиззах туманида Ҳуттош деган манзил бор. Йил давомида Ҳут ойи кирганида тошга кун тушади. Шунинг учун ҳам уни Ҳуттош деб аташган. Қадимда одамлар бу қояга маълум вақтдагина кун тушишини билиб олишади. Ҳуттошга бир қуёш нури тушгандан иккинчи марта офтоб тушгунча орадан бир йил ўтарди. Шундай қилиб боболаримиз бу тошдан вақтни, йилни аниқловчи восита сифатида фойдалана бошлайдилар. Ҳуттош яқинида Қантартош ҳам борки, у ҳам вақтни аниқлашда қўл келган. Агар эшитган бўлсангиз, халқ орасида "Асосий қиш ортда қолди" маъносини берувчи "Қантар оғди" деган ибора ишлатилади. Қантар оққанида Қантартошга нур тушган ва одамлар совуқ-изғиринли кунлардан қутулаёздик, бу ёғи баҳорга оз қолди, дея умидланишган. Ҳуттош юзи қуёш нурини кўргач эса, деҳқонлар ҳам, ҳут кирди - деҳқоннинг пайтавасига қурт кирди, деганларидек ишга тушиб кетадилар...

### ЗИЖИ САК

Ўтмишда халқимиз вақтни аниқлаш учун ибодатхона-расадхоналар ҳам қурган. Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги "Саклар тақвими" деб аталадиган ёдгорлик бунга мисол бўлади. Шаҳидтепа комплексида Л.И.Ремпель ва Э.В.Ртвеладзе бошчилигида қазиш ишлари олиб борилган. Ёдгорлик бош қўрғон ва 12-14 метр диаметрли, баландлиги 1 метргача бўлган 120 та мозор қўрғонни ўз ичига олган. Илмий гуруҳ бош қўрғонни текшириш билан бирга иккита кичик тепаликни ҳам ўрганишди. Ртвеладзе топилмалар эрамизнинг I асрига тегишли эканини аниқлаган. М.Булатовнинг фикрича, Шаҳидтепа комплекси аслида 365та тепаликдан ташкил топган, аммо уларнинг учдан икки қисми эрозия сабабли кунимизгача етиб келмаган. Бош қўрғон ўтроқ сўғдийлар ва кўчманчи сакларнинг ибодат қиладиган, илми нужум сирларини ўрганадиган расадхона, асосан, кўчманчи қабилалар ўртасида зардуштийлик динини тарқатиш учун диний марказ бўлган. "Зижи сак" - 365 тепалик эса йил ҳисобини, фасллар алмашинувини белгилашда фойдаланиладиган тақвим сифатида хизмат қилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, аждодларимизнинг вақтни кашф қилишга уринишлари минг йиллар нарига бориб тақалади. Кўҳна замонлардан бери инсоният вақтни англашга, уни ифодалашга ҳаракат қилиб келган. Бизнинг асримизга келиб эса, одамзот вақт ўтиб кетмасин дея уни занжир билан қўлига боғлаб олди (Эркин Воҳидов). Шунга қарамай, вақт бир жойда тўхтаб қолгани йўқ, ҳамон югурик, ҳамон чексиз. Давр ўтмоқда, даврон ўтмоқда...

**Фаррух ҲАСАН ўғли**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ушбу ҳафтада кўп ишлашингизга тўғри келади. Ортиқча гап-сўзларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Тақдир синовларига дуч келасиз. Агар вақтдан унумли фойдалансангиз кўнгилсизликларни енгасиз.

**ЭГИЗАКЛАР *(22.05 — 21.06).*** - Ҳафтада сал ҳушёрроқ бўлишингиз керак. Лекин дўстларингиз ёрдамидан ҳам воз кечмаганингиз маъқул.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Қайси ишни бошламанг, омад сизга ёр бўлаверади. Яқинларингизнинг маслаҳатига амал қилинг.

**АРСЛОН *(23.07 — 23.08).*** - Муваффақиятга эришиш учун барча имкониятдан фойдаланинг. Толиқиб қолмаслик учун вақтида дам олишни ҳам унутманг.

**БОШОҚ *(24.08 — 23.09).*** - Соғлиғингиз ҳақида жиддийроқ қайғуринг. Иложи бўлса халқ табобати усуллари билан даволанинг.

**ТАРОЗИ *(24.09 — 23.10).*** - Ютуқларингиз осонликча қўлга кирмайди. Бироқ шу ҳафтада сиз учун анча муаммолар келиб чиқиши мумкин.

**ЧАЁН *(24.10 — 22.11).*** - Ўзингиз учун ҳам вақт ажратинг. Бирор масалада жиддий қарорга келишдан олдин яхшилаб ўйланг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ортиқча сарфу харажатлардан ўзингизни тийинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-тоқатли бўлинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ишларингиз юриша бошлайди. Келиб чиқадиган муаммоларни эса дўстларингиз ёрдамида ҳал қилиб олинг.

**ҚОВҒА *(21.01 — 18.02).*** - Яқинларингиз сиз орзу қилган буюмни совға қилишади. Шахсий муносабатларда хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг.

**БАЛИҚ *(19.02 — 20.03).*** - Рўзғор ишлари билан шуғулланишингиз учун имкон пайдо бўлади. Таъмирлаш ишларини ҳам бошлашингиз мумкин.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ



# Яхши аёл бўлиш осонмас

**Оиладаги сир-асроринг эшикдан ташқарига чиқдими, рўзғорингдан хайр-барака кетди, энди уруш-жанжал аримайди, деявер. Бу гапни пиру бадавлат отахону онахонларимиз бежизга бот-бот такрорлашмайди. Қари билганни эса...**

Бугун суд идораларида кўрилаётган баъзи ажралиш ишларини кузата туриб, хавотирга тушади одам. Не-не орзулар билан қурилган оилалар қанча-қанча яхши тилаклар бир зумда ўз қийматини йўқотади. Баъзан арзимасгина ғиди-биди айтишувлар катта жанжалларга айланади, улар ўз вақтида бартараф этилмаса, суд идораларигача етиб боради. Тўғри, ҳозирда бу масалалар билан жиддий шуғулланаётган маҳалла маслаҳатчиларининг хизматлари туфайли, уларнинг кўпи жойларда бартараф этиляпти. Аммо ўз билганидан қолмай, ҳеч кимга қулоқ тутишни истамаётганларнинг ҳам борлиги ташвишли. Мана шундай суд жараёнларидан бирида нозикниҳол келинчак туриб, шартта-шартта гапирди: "Конституциямизнинг ўнинчи боби, 46-моддасида "хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар" деб белгилаб қўйилган. Нега у менинг ҳуқуқларимни поймол қилади. Қачонгача унинг зуғумларига чидашим керак?..". Мен аввалига хурсанд бўлдим. Бу аёл Конституциядан сўз бошладими, демак, анча дунёқараши кенг, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор келинчак экан-да, деб. Аммо келин у нутқини шундай жадаллаштирдики, уларни айтиш газета ахлоқига тўғри келмайди, деб ўйладим. Ташқи кўринишидан чиройликкина, беозор кўринган бу келинчакнинг кўп сўзлари ёлғонлигини кейинроқ билдим.

Йўқ, мен унинг атайлаб ўз танасига азоб бериб, кўкартиргач, "эрим урди" дея тиббий экспертизадан ўтганини, яна қанча ёлғонлар тўқиб, жуфти ҳалолини бадном қилишга интилаётгани ҳақида гапирмоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлганим, ўз ҳуқуқини бу қадар яхши билган келинчакнинг аёллик нафосати ибо-ҳаёдан хабардор эмаслигида. Ахир севимли шоира Турсуной Содиқова айтганидай, "Эркак қуйма олтин бўлса, аёл заргар. Сиз инсофли заргар бўлинг, ойим". Заргар ким? У нозик дид, нозик санъат эгаси. У мана шу хусусияти учун ҳам гўзал, бежирим безакларни яратади. Бизга мана шундай таъриф берилаётган экан, бунинг мағзини чаққан ҳолда иш юритишимиз лозим эмасми?

Нега Европа халқлари ҳозирга қадар "Шарқ - нозик масала", уларнинг сирини тушуниш қийин, дея эътироф этишади. Бу эътироф биз, аёлларга ҳам қаратилган эмасми, аслида. Тасаввур қилинг, мен тенг ҳуқуқлиман, дея аёлнинг уй юмушларини турмуш ўртоғига бўлиб бераётган ҳолатни. Бу Европа халқлари учун одатий ҳолдир. Аммо буни Шарқ аёли ҳазм қилолмайди, сабаби, унинг қон-қонига сингиб кетган урф-одатлари, анъаналари бор. У бундан узилдими, демак, қайси йўлдан бораётганини тушунолмай аросатда қолиб кетади. Мактабда бир устозим доим қизларга маслаҳат берарди: "Қизларим, сизлар ҳозир жиззакисиз, тезга жаҳлингиз чиқади, кимгадир аччиқ қиласиз, нималардандир норози бўласиз. Тўғри, бу қилиқларингизни уйдагилар кўтарар, аммо борадиган жойларингизда эҳтиёт бўлинглар. Оила муқаддас макон. Менинг ҳам жаҳлим ёмон, раҳбарман, қанча ходимларимиз мендан ҳайиқиб туришади. Аммо уйда оила бекаси, аёлман. Менга турмуш ўртоғим жаҳл қилса, нима қиламан, биласизларми? Индамай, нариги хонага ўтаман-да, ё пол юваман, ё ҳовлини супураман (тоза бўлишига қарамай), ишқилиб, жаҳлимни иш билан енгаман. Ҳовурим босилгач, "чой дамлайми?", дея яна аввалгидай ўз ишларимга уннаб кетаман. Мана, аёл кишининг қудрати нимада". Ўша пайтлар бу маслаҳатларга унчалик тушунмасдик. Энди бунинг қанчалик аҳамиятли эканини англаб бормоқдамиз.

Бу ёшликнинг палласидаги фикрлар. Аммо бугун ёши улғайган онахонлар, отахонларнинг ҳам суд идорасида югуриб юрганларини учратиш оғриқли ҳолат.

**"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар".** Бу Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилган. Ёши анчага бориб қолган, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган қарияларнинг бу модда ижросини талаб қилиб юрганлари ачинарли, албатта. Қариялар уйларида миллатимизга мансуб кекса отахон-онахонларнинг кўпаяётганини ҳам айтмасдан илож йўқ.

Қайсидир кўрсатувда бир онахоннинг кўзида ёш билан гапирганларини эшитарканман, беихтиёр юқоридаги келинчакни эсладим. Оилани муқаддас билмаслик, фарзанд тарбиясидаги хатолар, оилада ўзаро ҳурматнинг йўқолиши... Балки, шулар сабабдир, бу кўз ёшларга. Йўқ, бу ўринда бировни муҳокама қилишдан йироқмиз. Ҳар бир хато ўз жазосини олажак, буни фақат вақт кўрсатади.

Қонунни билишимиз, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қила олиш яхши фазилат. Аммо бизнинг ўзимиздан талаб қиладиган талайгина хислатларимиз борки, айниқса, ОИЛА аталмиш даргоҳдагилар бу сўроқни кундалик масъулиятга айлантиришлари лозим.

Биз аввало бу бурч, масъулиятни ўзимиздан излайлик. Ҳар бир инсон, у хоҳ оилада бўлсин, хоҳ ишда, ўз вазифасини, асосийси бурчини бажарган тақдирдагина кимдандир ниманидир талаб қилишга ҳақли.

Мен яхши аёл, рафиқа, она бўла олдимми?

**Гулруҳ МЎМИНОВА**

АЖАБ ДУНЁ

## ИЧГАНГА ҚИЙИН...

АҚШнинг олти штати – Аляска, Иллинойс, Колорадо, Небраска, Жанубий Каролина ва Вашингтон штатида янги йилдан бошлаб янги қонун кучга кирди. Унга кўра, ҳар бир машинага ҳайдовчининг ичган-ичмаганлигини текширадиган махсус мослама ўрнатилади. Агар ҳайдовчи ичган бўлса, мослама тезда аниқлайди ва машина ўт олмай қолади. Машина юргандан кейин ҳам текширув аввалига ҳар 15 минутда, кейин соатига икки марта такрорланиб туради.



Ҳайдовчилар мосламани ўрнатиш учун тахминан 80 доллар тўлаши керак. Кейин ҳар ойда 30 доллар миқдорида бадал бериб туради. Маълумотларга қараганда, Нью-Мексико штатида бундай мослама тўрт йилдирки, амалда қўлланилмоқда. Натижада, автоҳалокат қурбонлари сони 20 фоиз камайган.

## ЧАРЛЗ ДАРВИН ЙИЛИ

Инглиз олими Чарлз Дарвин ўзи яратган "Эволюция назарияси" билан илм тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу йил олимнинг таваллудига 200 йил, "Турларнинг келиб чиқиши" номли асари чоп этилганига эса 150 йил тўлади.

Бугунги кунда ҳам жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган Дарвин назарияси бутун мавжудотларнинг ягона Яратувчи томонидан яратилганини инкор этади. Одам маймундан пайдо бўлган деган назарияси билан чек-чегарасиз баҳс-мунозараларни бошлаб берган олим бир тур иккинчи турдан эволюция натижасида келиб чиққан, деган илмий фаразни илгари сурган.

"Немис тўлқини" радиоси тарқатган хабарларга қараганда, март ойида Ватиканда "Эволюция назарияси" ҳақида анжуман ўтказилиши режалаштирилган. Бироз тинаётган мунозаралар яна бошланадиган кўринади.

## ЛОТОРЕЯДАН МИЛЛИОН ЮТДИ... ВА ЭРИНИ АЛМАШТИРДИ

Англияда болаларига Янги йил совғаси олиш учун ҳам пули бўлмаган 41 ёшли Мария сўнгги чақаларига лотерея ўйнади ва кутилмаганда 1 миллион фунт стерлинг ютиб олди. Тўрт боланинг онаси беш фунт стерлингга "Merry Million" билетини олиб, бир зумда миллионерга айланиб қолганига аввалбошда ишонмади. Кейин чиптасини лотереячига кўрсатди. Харидорнинг юзидаги ҳаяжонли ифодани унутолмаган сотувчи шундай дейди:



– Картани кирди ва жим қолди. Бир неча дақиқа гапиролмади. Кейин менга кўрсатиб: "Шу тўғрими? Бир миллион стерлинг ютиб олганим ростми?" деб сўради. "Табриклайман. Катта ютуқ сизники бўлди!" дедим.

Олдин жуда қашшоқ яшаган Мария аввало яшаб турган уйини сотиб олишни кўнглига тугиб қўйди. Кўп ўтмай у эрини ҳам ташлаб, янги севгилиси Антони Уилямсга қучоқ очди. Янги эри билан бахтли яшаётган Мария қизлари 21 ёшли Тэрри, 20 ёшли Тони, 19 яшар Рикки ва кичик ўғли Тодга 300 стерлинг миқдоридаги совға чеклари юборди. Уларнинг келажагини ўйлаб, ҳар бирининг банкдаги ҳисобига 100 минг стерлингдан омонат қўйишини айтди.

**Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.**

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

# БОЛАМ, БОЛАМ ДЕЙМИЗУ...

Онажоним, ҳозир анча кексайиб қолганлар. Икки ўғил ва бир қизни вояга етказгунича тортган азоблари...Отам дунёдан ўтгач, етимлигимизни сездирмай, ҳеч кимдан кам қилмадилар. Ҳали-ҳали эсимда: бизларга ҳар гал янги либос олиб берганларида ёш боладек қувонар, аммо ўзининг ранги униқиб кетган эски камзули сира янгиланмас эди...

...Мана, энди ўзим ҳам она бўлганимдан кейингина мунис онажонимни соғиниб ўтирибман. Эскилар зап билиб айтишган-да :"Болам, болам дер эканмизу, ҳеч қачон ортимизга қараб онам ", демас эканмиз. Тўғриси ҳам шу. Умримизни фақат "болам"лаб ўтказамиз. Қачонки, жонидан жон бериб яратган болаларимизни йўқотиб қўйсаккина бу бебаҳо зотнинг қадрига етар эканмиз.

Ўша, биз қалб кўримизни, кўз нуримизни берган болаларимиз ҳам ўз болаларининг ташвишидан ортмас экан. Кечалари болам, деб минг бор уйғонар эканмизу, бизни соғиниб, йўлларимизга кўзлари нигорон бўлиб ўтирган онамизни бир бора ёд этмас эканмиз. Мушфиқ меҳрибонимиз эса бизни аягани учун сени соғинаяпман, сен нега келмаяпсан, деб айтмаслигини қаердан ҳам билибмиз?

...Бир куни муштипар онажоним уйимизга меҳмон бўлиб келдилар. Мени бағрига босиб, айланиб-ўргилиб гиргиттон бўлганини айтинг! Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, уйимда ҳам тинч ўтиролмаса денг. Ювилгану, лекин анчадан буён қавилмай ётган кўрпа-ёстиқларимни қавиб, қозон-товоқ борми, кир-чир борми, барини саришталашга улгурдилар. Чақалоғимни бешикка боғларканлар, менга "Сен дамингни ола қолгин, қизим!", дейдилар. Шу куни тунда чириллаб йиғлай бошлаган чақалоғимни овунтишим қийин бўлди. Мен боламни бағримга босиб, унга парвона бўлиб қуюнаман. Онам эса бешикка боғланган чақалоғимни тебратиб, нима дейдилар денг?

– Намунча қизимни қийнайсан-а, дўмбоғим? Ухлай қолсанг-чи? Боламни қийнаяпсан-ку, ахир! Сени деб онанг ухлай олмаяпти! - дейди-я! Мен эса онамга:

– Вой, ойижон! Уни уришманг, у менинг болам-ку! – дебман. Онам эса кулиб:

- У сени боланг бўлса, сен менинг боламсан-ку! Сенга юрагим ачишиб кетаяпти. Бу шумтакангни менга бергин-да, сен ётиб дамингни ол, бўлмаса уриниб қоласан...

Ўйлаб кўрсам болам учун минг тўлғонибману, онажонимни ўйламабман-а? Оҳ, онам-а? Жилла курса кўнгли учун ҳам ҳол сўрашга ярамабман.

Азизларим, аслида бизни шу ёруғ дунёда яшаб юришимизга сабабчи азиз оналаримизни тез-тез йўқлаб турсак қанийди. Ахир бу фарзандлик бурчимиз-ку! Кексайганларида қариб қолдингиз, жойингизда жим ўтиринг, кўп гапираверманг, деб дилларини оғритиш.ўрнига, ҳар тонг муборак қўлларини тутишга, дуосини олишга шошилайлик!

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Бўка тумани.**

НИГОҲ

# Фариштада гуноҳ бўлмайди



***Ёлғизлик одамни ҳоритар...***
***Ёлғизлик одамни бойитар...***
***Ёлғизликнинг ҳоритиши ҳақида кўп айтилгандир,***
***хўп айтилгандир, бисёр сўзлангандир.***
***Бугунги калом унинг бойитиши хусусинда.***
***Ёлғизликда мени Хотира бойитади.***
***Ёлғизликда мени ХАЁЛ бойитади.***
***Ёлғизликда мени АЁЛ бойитади — Сиз бойитасиз.***
***Мен Сизни қизғаниб яшайман — Ердан, Ҳаводан, Сувдан!***

Сочларингизнинг ҳар бир толасига қўнғироқчалар боғлаб қўйилган гўё. Юрганда ҳам, турганда ҳам, қиё боққанингизда ҳам улар жаранглаб садо беради. Менинг вужудим ушбу қўнғироқчаларга қўшилиб қимирлайди, титрайди, тебранади... Бошларимда қўнғироқчалар жаранги ғужғон ўйнайди. Шунда кўзларим тиниб, рўпарамда камалакранглар пайдо бўлади — яшил, сариқ, қизил, напармон... Кўп ўтмай ушбу рангларнинг орасидан минг асрлик ҳижрон ва айриликлар, соғинч ва изтироблар қаъридан сузиб чиққан янглиғ Сиз оҳиста қадам ташлаб кела бошлайсиз. Юракларим ҳозир қинидан чиқиб кетади, деб ўйлайман. Кучли тўлқин қирғоққа итқитиб ташлаган балиқ сингари нафас олишим оғирлашади. Қошу кипригимдан тортиб, бармоқларимнинг учигача реза-реза тер қалқиб чиқади.

Ёраб, бу не ҳолат?! Гапирай десам тилим айланмайди, турай десам биров михлаб қўйгандай, нигоҳ қадаш илинжида эрсам қорачиғларининг қаролигидан кўзларимга ўт тушади. Наинки кўзларимга, юзларимга, тизларимга, сўзларимга ҳам...

Бу ўтдин энди менга омонлик йўққа ўхшайди! Куяман, ёнаман, қовриламан. Ва ушбу жизғанакликдан кўнглим таскин топади — роҳатланаман.

***Ёлғизликда мени ХАЁЛ бойитади.***
***Ёлғизликда мени... АЁЛ бойитади — СИЗ бойитасиз!***

Мен шоҳлик сарупосини мажнунлик жандасига алишмоққа тайёрман, маликам. Кетмагил!

Мен осмон қадар бошимни қаршингда туфроқ сари эгишга шайман, капалагим. Учмагил!

Юлдузларни бир-бир териб пойларингда Юлдузистон яратай, Юлдузим. Сўнмагил!

Кечагина мендан ғариб, мендан нотавон кимса йўқ эди. Кечагина ҳажр ёшларим селоб эди, сероб эди. Бугун мендан бойроқ, мендан-да қудратлироқ зот йўқ. Бугун кўзларимдан оқаётган висол ёшлари жаласини тўсишга куч йўқ, қудрат йўқ. Чунки — Сиз ёнимдасиз, чунки Сизнинг нафасингиз ҳароратидан менинг вужудим илиқ, кўксимдаги тошдан гуллар унаётир. Тош юрақдан тош гуллар унади, деб ўйламанг. Булар Бошгуллардир, ёш гуллардир, бардош гуллардир, ойгуллару қуёш гуллардир. Уни узишда эҳтиёт бўлинг — оташ гуллардир — куйдиради!

***Ёлғизликда мени — ХАЁЛ бойитади.***
***Ёлғизликда мени — АЁЛ бойитади — Сиз бойитасиз.***
***Сизни Худонинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин.***
***Ёмон сўзлардан асрасин.***

Сизга келган ҳар қандай бало менинг учун дарддир, кулфатдир. Бу дард ва кулфатлар залворлигидан қўрққаним учун эмас, ўшал балонинг балогардон бўлишидан чўчиганлигимдан айтаяпман бу гапларни.

Эсингиздами, бир гал сиз ва мен истамаган бало ёқангиздан олди. Ўша балонинг қўли Сизнинг ёқангизда-ю, бу томонда мен бўғилаяпман, азоб чекаяпман. Менинг ўша онда икки ўт орасида не қадар ёнганлигим ўзимга аён.

Онангиз бошингизда эди, ака-укалар ёнингиздан жилишмади. Менинг кўзим эмас, кўнглим йиғларди. Сизнинг ўлим билан олишаётган мурғаккина жуссангиз ичига кириб Худодан сўрадимки, эй соҳиби қудрат, кароматингни кўрсат, унга шифо бер, агар шифолик малҳамларинг қолмаган бўлса, мени бурда-бурдалаб малҳамга айлантир, токи мен зарра-зарра бўлиб унинг томирларида оқайин, нур бўлиб кўзларига сингайин...

Балки бу биз қилган гуноҳларга берилган жазодир? Йўқ, бу сизнингмас, менинг гарданимдаги гуноҳи азимдир. Чунки сиз менинг фариштамсиз. Фаришталарда эса гуноҳ бўлмайди.

Сиз, эҳтимол сезмассиз, балки атайлаб ўзингизни бефарқ тутарсиз, аммо орамиздаги нима ва нималардир ҳаққи, мен Сизни Худодан қайта тилаб олдим.

Бу миннат эмас, агар адашмасам, агар шайтон мени йўлдан оздирмаётган бўлса, бунинг отини МУҲАББАТ дейдилар. Шул муқаддас туйғуни сақламоққа, шул бокира чечакни ёмон кўзлардан асрамоққа иродамиз етадими?- Сизнинг, Менинг, Иккимизнинг, Ўртамиздаги Муҳаббат отлиғ норасиданинг қўлларидан тутиб, умрнинг адоғига қадар гард қўндирмасликка куч-қудрат етармикин?

Мен Сизни соғиниб яшайман, мен Сизга сиғиниб яшайман. Гоҳ қуриб, гоҳ униб яшайман.

***Ёлғизликда мени — ХАЁЛ бойитади.***
***Ёлғизликда мени — АЁЛ бойитади — Сиз бойитасиз...***

Алишер АЙМАТЛИ

ОЙДИН БЕКАТ

## ТАЖАЛЛИ

*Бирисин Ой англа, бирисин — Қуёш.*

Алишер НАВОИЙ

*Ой-Офтобга ойина,*
*Ойдинлиги шундандир.*
*Ғанимат тун ёғдуси,*
*Билсанг, асли, Кундандир.*

*Кун ботса ҳам, қора тун*
*Ойга парда ёпмади.*
*Навоийдек даҳо ҳам*
*Ўзга қиёс топмади.*

*Отани деди Қуёш,*
*Онани чун Ой деди.*
*Бежизми, ботиб Офтоб,*
*Ойнинг ғамини еди.*

*Олтмиш йилки, отамиз*
*Гўёки Қуёш эди.*

*Саккиз ўғил, бир қизу*
*Онамга у бош эди.*

*Ботди Қуёш дафъатан,*
*Ой ҳам узоқ қолмади.*
*Сўниб борди кун сайин,*
*Манбадан нур олмади.*

*Қон йиғладим Қуёшга,*
*Сўнг Ойга ҳам кетма-кет.*
*Оҳим осмонга етди,*
*Кўз ёшим, сен Ерга ет!*

*Талпиниб, сингиб, етиб,*
*Сўнг қабрда нурга тўл!*
*Аксини кўрсин сенда -*
*Ой, Қуёшга жило бўл!*

Султон МУРОД

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА

### ЙИГИТЛАР ЗИРАК ТАҚҚАНДА...

***Бу йигитнинг қулоғида зираги ҳам бор экан. Соч олдириб бўлгач, сартарошнинг ҳақини тўладиму, кўчага чиқдим. Негадир кўз ўнгимдан «замонавий» йигитнинг қиёфаси кетмасди. Қаранг-а, шу каби манзараларга ҳам кўзимиз кўникиб бормоқда. Янги-янги чиқаётган ёш хонанда йигитларни телевизорда кўрсатиб қолишади. Сочлари алламбало турмакланган, юз-кўзлари худди олифта қизлардек пардозланган. Бугунги кино қаҳрамонлар тимсолида ҳам шуларни кўриб бораяпмиз. Тағин, бугунги қизларнинг кўпчилиги кўпроқ мана шунақанги «эр-йигит»ларга кўнгил берармиш.***

### ЭРКАК НИМАДАН БЕЗИБ КЕТАДИ?

***Кўпчилик оилада эрлар аёлларига жаҳл қиладилар ва кўпчилик буни оилада эркак устун турғанига йўйиб, табиий ҳол, деб билади. Аслида, асабийлашиб, бақиришга арзийдиган ножўя ҳол кузатилмаган бўлади-ю, аммо барибир эр ўз жаҳлини жиловлаб ўтирмайди...***

### ОНАМНИ ЙИҒЛАТИБ ҚЎЙДИМ

***Отам вафот этганида онам ўксиб-ўксиб йиғлаганлар. Мен - мурғаккина гўдак онамга қўшилиб йиғлаганман. Фақат мен қўрққанимдан йиғлаганман. ҳали ақлим пишмаган бола эдим. Онам йиғисининг маъносини билмаганман. Кейин...***

НАҲОТКИ?..

## БАЛИҚ - БОЙЛИК ЭКАН

Бобом ҳозир нафақада. Бир куни у кўрган тушини айтиб берди.

- Ёшлигимдан балиқ тутишни яхши кўрардим. Бу тушни тахминан 40 ёшларда кўрган эдим. Бир куни тушимда балиқ тутаётган эмишман. Қўлимдаги қармоқ билан дарёдан бирин-кетин уч дона балиқ тутганмишман. Учинчи балиғим қўлимдан чиқиб кетибди. Анча вақтгача кўрган тушимнинг таъбирини билолмай юрдим.

Кейинчалик билсам, балиқ бойлик экан. Анчадан буён интиқиб кутган ойлик маош ҳам берилди. Ҳар хил сабабларга кўра, уч ой маошсиз юргандик. Маошимни олгач, ул-бул нарса олиш учун бозорга тушдим. Анча нарса харид қилиб, уйга қайтдим.

Яқинда тушимда яна балиқ кўрдим. Кучоққа сиғмайдиган катта балиқни кўтариб, ўғлимга берган эмишман.

Уч кун ўтиб, нафақа пулимни олдим. Анчадан буён мендан олган қарзини бермаётган бир оғайним қарзини тўлаб кетди. Қўлимга бир даста пул йиғилди. Ўйлаб-ўйлаб йиғилган пулларни ҳаммасини ўғлимга бердим. Ўғлим Қаҳрамон анчадан буён машина олиш орзусида юрарди. Йиғиб юрган пулларини ҳам қўшиб, бир машина сотиб олди...

Фурқат КАРИМОВ

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 18:00
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
oilavajamiyat@rambler.ru

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 33. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11480

Навбатчи — Н. РАҲМОНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ

ISSN 2010-7609

2 3 4 5 6 7 8